40-45 ЦЕНТНЕРЧИЛАР — ПАХТАКОРЛАРИМИЗ АВАНГАРД ОТРЯДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 37 (2070). | 21 февраль, чоршанба 1962 йил | Баҳоси 2 тийин.

XXII съезд қарорларини амалга оширамиз

ЮҚОРИ ҲОСИЛ УСТАЛАРИГА ТЕНГЛАШИНГ!

Февралнинг сўнгги ҳафтаси қолди. Далаларимизда илк баҳор нафаси кезяпти. Навбаҳор астасекин деҳқоннинг эшигини қоқиб: қани экишга тайёрмисан, машиналар шайми, уруғлик сараланганми, ерчи тайёр қилиб қўйилганми? деб сўраяпти. Ҳа, асл деҳқон ернинг нафаси билан яшайди, юқори ҳосил олиш йўлини ўйлаб, ерни қиши билан боқади, семиртиради, зараркунандалардан тозалайди. Ахир сен ерни боқсанг у ҳам сени боқади-да! Ер кучли бўлса, сенга ўйлаган ҳосилингни беради.

Яқиндагина ўз ишини муваффақиятли тамомлаган республика қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгаши партиямиз XXII съезди тарихий қарорларини амалга ошириш, мамлакатга тобора кўп пахта, гўшт, сут, ёғ ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл етказиб бериш соҳасидаги вазифаларни кенг муҳокама қилди. Кенгаш қатнашчилари колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантиришга оид энг муҳим масалалар устида кенг ижодий фикр олишиш натижасида республика қишлоқ хўжалиги, унинг муҳим тармоғи бўлган пахтачиликни янада юксалтириш резерврларини аниқлаб олдилар, ана шу резерврларни ишга солишга қаратилган амалий таклифлар киритдилар.

Хоразм область Қўшкўпир районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси Р. Оллоберганов кенгаш қатнашчиларини **ГЕКТАРИДАН 40—45 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ ОЛИШГА** чақирди. Ҳар бир илғор коллектив ана шу юксак маррага эришсин. Ўртоқ Р. Оллоберганов колхоз аъзолари номидан машҳур пахта устаси уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов раислик қилаётган Н. С. Хрушчев номли колхоз аъзоларини мусобақага чақиради. Ўртоқ Ҳ. Турсунқулов чақириқни қабул қилиб, Н. С. Хрушчев номли колхоз аъзолари хоразмлик дўстларидан қолишмайди, **ГЕКТАРИДАН 45 ЦЕНТНЕРДАН «ОҚ ОЛТИН» ЕТИШТИРИШ УЧУН КУРАШАДИ**лар, деб кенгаш қатнашчиларини ишонтирди.

Бу — илғорлар чақириғи, чинакам ватанпарварлар чақириғидир. Бу — партиямиз XXII съезди қарорларини амалга оширишга астойдил бел боғлаган мамлакатга мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга қарор қилган мард пахтакорнинг сўзидир.

Ҳақиқатан ҳам илғорларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, агар техникадан унумли фойдаланилса, гектарларнинг тўла бўлиши, кўчатларнинг нормал қалинлиги таъминланса, ғўзага икки томонлама ишлов берилиб, парвариш ишлари юқори сифатли ўтказилса, гектаридан 40—45 центнердан ва ундан ҳам ошириб ҳосил олинишига эришиш мумкин. Шуни ҳисобга олиб, кўпгина колхоз, совхоз, бригадалар 40—45 центнерчилар ҳаракатини бошлаб юбордилар. Масалан, Янгийўл районидаги «XXII партсъезд» колхози аъзоларининг бу соҳада бошлаган ташаббуслари ибратлидир. Авваллари қолоқ ва камқувват ҳисобланиб келган бу колхоз ўтган йили ҳар гектаридан 32,9 центнердан пахта топширди. Колхоз аъзолари бу йил ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ҳар гектар ерда 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олдилар.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози, Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», Янгиер районидаги 1-«Боёвут» совхозлари, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», «Правда», Янгиер районидаги «Коммунизм» колхозлари ҳам кўп центнерчилар ҳаракатининг олдинги сафларида бораптилар. Гектаридан 40—45 ва ундан ошириб ҳосил топширяётган бригадалар сони эса тобора ортиб бораяпти.

Шуни ҳам айтиш керакки, пахтадан мўл ҳосил етиштириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун кунт билан жон қуйдириб ишлаш, экиш кампаниясига ҳамма нарсани тахт қилиб қўйиш лозим.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, областимизнинг айрим районлари, колхоз ва совхозларида кўкламга тайёргарлик суст бормоқда. Сирдарёда техниканинг асосий қисми ремонтдан чиқарилмаган. Бунинг устига районда ҳалига қадар шудгор қилинмаган ерлар бор. Гулистон районида ҳам кўкламга тайёргарлик суст бораяпти. Шунингдек Бекобод, Комсомол районларида ҳам тайёргарлик ишлари талабга жавоб беролмайди.

Кўклам яқинлашмоқда. Ҳа демай кунлар ҳам исиб кетади. Мўл ҳосил учун курашнинг ҳал қилувчи даври келди. Район партия комитетлари ҳар бир колхоз ва совхозда кўкламга тайёргарлик қандай бораётганлигини систематик равишда кузатиб боришлари лозим. Пахтадан мўл ҳосил олиб келаётган илғор колхоз ва совхозлар тажрибасини кенг оммалаштириш, техникани, кадрларни, барча кучларни тахт қилиб қўйиб, далага маҳаллий ўғит чиқаришни ташкил этиш — муҳим вазифадир.

40—45 центнерчилар сафини тобора кенгайтирайлик, областимиз бўйича бу йил давлатга 500 минг тонна пахта тайёрлаш юзасидан олган социалистик мажбуриятимизни бажариш учун бутун кучимизни, ақл-идрокимиз ва билимимизни сарфлайлик!

Самимий табрик

МОСКВА, 19 февраль. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Африка иқтисодий комиссиясининг IV сессиясига тўпланган Африка халқлари вакилларига самимий табрикнома юборди.

Н. С. Хрушчевнинг телеграммасида айтиладики, Африка халқлари ўтган йил ичида мустамлакачиликка қарши курашда янгиданянги муваффақиятларга эришдилар. Мустамлакачилик системасига қақшатғич зарбалар берилдики, у, бу зарбалардан энди ўзини ўнглаб ололмайди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Африка иқтисодий комиссиясига катта муваффақиятлар тилайди ва ана шу иқтисодий комиссиянинг IV сессияси Африка халқларининг миллий уйғониш учун, социал ва иқтисодий тараққиёт учун олиб бораётган курашига ёрдам беради, деб ишонч билдиради.

СОВЕТ ХАЛҚИГА ТАБРИК

Венгрия Социалистик ишчи партияси ва Венгрия Халқ Республикасининг раҳбарлари Янош Кадар ҳамда Иштван Доби ўртоқлар Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежнев ўртоқларга телеграмма юборибди, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Венгрия билан Совет Иттифоқи ўртасида шартнома имзоланган кунинг 14 йиллиги муносабати билан совет халқига оташин салом ва энг яхши истаклар йўлладилар. (ТАСС).

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ Б. Н. Пономарев бошлиқ КПСС делегацияси 19 февралда Москвадан Ханойга учиб кетди.

Делегация составида: КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Ўртоқ Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари Ўртоқ С. Н. Шчетинин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ З. Раҳимбобоева, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ўртоқ С. Б. Эргашев, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бўйича пропаганда ва агитация бўлими мудири Ўртоқ В. И. Степаков, КПСС Марказий Комитетининг РСФСР бўйича партия органлари бўлими мудирининг ўринбосари Ўртоқ М. А. Вороновский бор.

МАРРА — ҚИРҚ

Ўртоқ Ю. ФАЙЗИЕВ.

Илгари колхозимиз юқори ҳосилли хўжаликлардан ҳисобланарди. Лекин 1958 йилда колхозимизда ҳосилдорлик ниҳоятда пасайиб кетди. Ўша йили ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили 16,8 центнердан ошмади. Бу ҳол барча колхозчиларимизни ташвишга солган эди.

Колхозда бундай аҳволнинг юз беришига шу нарсалар сабаб бўлдики, хўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилинмади, меҳнат интизоми бўшашиб кетди, колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш анча изидан чиқиб қолди. Натижада агротехника тадбирлари қулай муддатларда амалга оширилмади, мавжуд ерлардан тўла фойдаланилмади.

Ўша кезларда колхознинг янги правлениеси олдида аҳволни яхшилаш учун ишни нимадан бошлаш керак деган масала турар эди. Энг олдин биз ишни колхозчиларга ҳақ тўлашни тўғри йўлга солиб, оргиқча ва беҳуда харажатларга йўл қўймайдиган хўжалик ҳисобига ўтишдан бошладик.

Дастлабки кўрган тадбирлар ёмон натижа бермади. 1959 йилда ҳар гектар ердан колхоз бўйича 30,3 центнердан ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдик, 1961 йилда эса ҳосилдорлик 32,9 центнерданга етди. 1958 йилга нисбатан колхоз бўйича ҳар гектар ердан олинадиган ҳосил 16,1 центнердан ошди.

Айрим бригадаларимизнинг эришган муваффақиятлари яна ҳам қувончли бўлди. И. Эрназаров, М. Абдуллаев, А. Юнусов сингари ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 34,2—36,4 центнердан ҳосил олиб, ўзларининг социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар.

1961 йилда пахта тайёрлаш планини 60 кунда бажардик. Пахта эрта пишгани учун эрта муддатларда йиғиб-териб олдик. Нима учун пахта эрта пишди?

Ўтган йили барча майдондаги ғўзалар эрта муддатларда фақат икки марта озиқлантирилди. Йиллик норма шу муддатда сарфланди. Бу эса пахтанинг эрта пишишига бирмунча ёрдам берди.

Биз Н. С. Хрушчевнинг пахта ҳосилдорлигини ошириш тўғрисидаги сўзларига амал қилиб, 1962 йилда колхозимиз бўйича ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдик ва 40—45 центнерчилар ҳаракатига қўшилдик. Олган мажбуриятимизни барча бригада бошлиқлари, механизаторлар ва колхоз активлари билан яна бир марта муҳокама қилдик. Режалар, тадбирлар белгиладик. Барча бригада бошлиқлари бу юксак мажбуриятни якдиллик билан қувватладилар. Назира Йўлдошева бошлиқ бригада аъзолари ҳар гектар ердан 45 центнердан, қолган олтита бригада аъзолари 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар.

Биз нимага ишониб бир йилда пахта ҳосилдорлигини яна 7 центнер оширмоқчимиз. Маълумки, юқори ҳосил олишда бир-бирига боғлиқ олиб бориладиган жуда кўп тадбирлар бор. Жумладан, ҳар бир бригадада тўла гектар учун курашиб гектарларда белгиланган миқдорида кўчат бўлишига эришиш, уларни агротехника қоидаларига мувофиқ тўғри парвариш қилиш лозим. Гапнинг қисқаси ҳар гектар ерда камида 85—90 минг туп кўчат бўлишига эришмоғимиз лозим. Бунга фақат тўла гектар йўли билангина эмас, шу билан бирга чигит экиш схемаларини ўзгартириш йўли билан ҳам эришмоқчимиз. Маълумки, ўтган йили биз асосан 60х60 схемаси билан чигит эккан эдик. Бу йил биз асосан 60х50, тракторлар билан икки томонлама ишлаш мумкин бўлмаган баъзи майда карталарга эса 60х30 схемаси билан чигит экишни планлаштирдик. Ҳозир чигит экишга тайёрлик ишлари олиб бориляпти. Қисман дўнг ва тепа бўлиб ётган жойлар ҳисобига ўтган йили 45 гектар ер очган эдик. Ҳозир яна ер очиш учун учта бульдозер ишлаб турибди. Бу ерларга 9 та насос ўрнатилиб сув чиқарилади.

Бу йил ҳар гектар ерга 10 тоннадан маҳаллий ўғит солишни планлаштирдик. Ҳозиргача 6710 тоннадан 1700 тоннаси далага ташиб чиқарилди. Шу кунларда 5 та автомашина, 3 та трактор ва 20 та автокачка билан далага гўнг ташиляпти.

Бундан ташқари ҳосилдорликни оширишда фекал катта аҳамиятга эга. Тошкент шаҳридан ҳозиргача 100 машинадан кўпроқ фекал ташиб келтирилди.

Бизда ҳар хил маркали 40 та трактор бор. Шундан 37 таси тўла тайёр. Квадрат уялаб чигит экадиган экипаж аъзолари билан амалий машғулот ўтказиляпти. Ҳосилдорликни кўтариш учун колхозимизда амалга оширилаётган шу каби бир қатор тадбирлар кўриляпти. Колхозчиларимиз ҳосилдорликни ошириш йўлида ўзларининг куч-ғайратларини аямайдилар.

Юнус ФАЙЗИЕВ,
Янгийўл районидаги «XIX партсъезд» колхозининг раиси.

Ҳосилдорликни ошириш — шарафли иш

Қадрдонимиз Никита Сергеевич Хрушчевнинг доно маслаҳатларига амал қилган кам ҳосилли хўжаликларнинг пахтакорлари бу йил гектар бошига камида 25 центнердан пахта ҳосили етиштириш учун кураш бошладилар. Бизнинг районимизда ҳам 25 центнердан кам ҳосил оладиган бирорта ҳам хўжалик бўлмаслиги учун шу кунларда катта ишлар амалга оширилаяпти. Колхозимиз пахтакорлари эса 35 центнердан ҳосил етиштиришга қатъий сўз бердилар.

Олий ҳиммат пахтакорлар мана шундай шарафли кураш олиб бораётган бир пайтда бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам қўл қовуштириб ўтирмаяптилар. Республика қишлоқ хўжалик ходимларининг яқинда бўлиб ўтган кенгашида 40-45 центнерчилар ҳаракатини бошлаб берган илғор пахтакорларнинг ташаббусларига қўшилиб, биз ҳам бу йил гектар бошига кам деганда 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштиришга бел боғладик.

Ҳозир бригадамизнинг далаларида баҳорни шайланиб кутиб олиш учун катта тараддуд кўрилаяпти. Маълумки, юқори ҳосил яхши тўйдирилган ердан олинади. Ана шуни кўзда тутиб биз далаларимизга иложи борича кўпроқ гўнг ташиб чиқараяпмиз. Пахтакорларимизнинг ғайрат билан ишлаганликлари туфайли ариқ зовурлардан сув равон оқадиган бўлди.

Баҳор келиб ерларимиз етилиши биланоқ биз чигит экишни қизғин суратда бошлаб юборамиз. Бутун ёз давомида ғўзаларимизни ўз фарзандларимиздай меҳр билан парвариш қиламиз. Олтин куз келиб йил бўйи қилинган ишларга якун ясалаётганда биз албатта гектар бошига 40 центнердан ҳосил кўтардик, деб она-Ватанга рапорт берамиз.

Ж. УМАРОВА,
Чиноз районидаги «ЎзССР 30 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Муносиб ҳисса қўшамиз

Биз ҳам ўтган йилги қўлга киритган муваффақиятларимизни мустаҳкамлаб, бу йил янада мўл ҳосил кўтариш учун астойдил иш бошладик. Ўтган йили 160 гектар ерга уруғни квадрат-уялаб экдик. М. Ҳусанов, И. Абдуллаев, Қ. Мусабоев каби моҳир механизаторларимиз ёз бўйи ишчи квадратларга икки томонлама ишлов бердилар. Уларнинг механизацияни қадрига етиб, ундан унумли фойдаланишлари натижасида кўп меҳнатига барҳам берилди. Механизация туфайли кам меҳнат сарф қилиб, мўл ҳосил тўпладик. Етиштирилган ҳосилнинг кўпини машиналар ёрдамида қисқа вақт ичида йиғиб-териб олдик. Ҳосилимизнинг 94 проценти биринчи сортларга топширилди. 300 тоннадан кўпроқ пахтани тайёрлов пунктларига қоп-қанорсиз элтиб бердик. Механизацияга суянган ҳолда пландаги 29 ўрнига 38 центнердан «оқ олтин» кўтаришга эришдик.

Бу йил ҳам 160 гектар ерга чигитни квадрат-уялаб экиб, ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилдик. Ана шу сўзимизнинг устидан чиқиш учун барча майдонни эрта куздаёқ сифатли шудгорлаб қўйганмиз. Суғориш шохобчаларини сифатли тозалаб бўлдик. Қўлимиздаги агрегатлар экиш кампаниясига тахт қилиб қўйилган.

М. ҚУЛМЕНОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги Куйбишев номли колхоз коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи.

Шу кунларнинг вазифаси

Республика қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашида белгиланган тадбирлар асосида мўл ҳосил етиштираман деган деҳқон шу кунларда қуйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим.

ҲАЙДОВ, ЧОПИҚ ТРАКТОРЛАРИ, ПЛУГ ВА СЕЯЛКАЛАР, КУЛЬТИВАТОРЛАР РЕМОНТИНИ ТЕЗ КУН ИЧИДА ТУГАЛЛАШ КЕРАК.

Квадрат-уялаб чигит экиш агрегатларининг экипаж аъзолари билан назарий ва амалий машғулотлар ўтказиб, уларнинг малакасини ошириш зарур.

Мавжуд транспорт воситалари ва ишчи кучларидан унумли фойдаланиб, далага мумкин қадар кўп маҳаллий ўғит ташиб чиқарилишига эришайлик. Давлат томонидан берилган минерал ўғитларни шу кунларда ташиб олайлик.

Бу йил ҳам сув танқислиги бўлиши кутилмоқда. Ана шуни ҳисобга олиб қўшимча сув ресурсларини қидириб топиш тўғрисида ҳозирдан бошлаб ғамхўрлик қилайлик. Мавжуд сув омборларида мумкин қадар кўп сув тўплансин.

ЕРНИНГ ШЎРИНИ ЮВИШ ИШЛАРИНИ ТЕЗ КУН ИЧИДА ТУГАЛЛАШ ЛОЗИМ.

ТОҒЛИ РАЙОНЛАР БОҒ ВА ТОКЗОР БЎЛСИН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

<>

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети тоғли районларда боғдорчилик ва узумчиликнинг аҳволи ҳамда уни ривожлантириш масаласини муҳокама қилдилар. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда Ўзбекистонда мева ва узум етиштиришни кўпайтириш қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш юзасидан КПСС XXII съезди томонидан ишлаб чиқилган буюк планларнинг ажралмас бир қисми эканлиги таъкидланади.

Партия XXI съездидан сўнг ўтган вақт ичида республикада боғ ва токзорлар кенгайди, кўчатларни парвариш қилиш яхшиланди, янги ихтисослаштирилган боғдорчилик-узумчилик хўжаликлари ташкил қилинди. Бироқ, мева ва узум етиштиришни кўпайтириш резервларидан, айниқса, Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё областининг тоғли районларида етарли фойдаланилмаяпти. Ваҳоланки, тоғ районларида ним лалми ва лалми ерларда, айниқса Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Оҳангарон, Ғаллаорол районларида ва Сурхондарё областининг тоғли районларида мева, узумдан муттасил мўл ҳосил олиш учун тўла имконият борлиги илмий ходимлар томонидан исботланган. «Бахмал», «Фориш», «Хўжакент», «Деҳқонобод» ва бошқа совхозларнинг тажрибаси кўрсатганидек фақат мева дарахтларининг турини, сортини ва кўчат ўтказиладиган жойни тўғри танлай билиш, агротехника тадбирлари комплексини бажариш керак.

Тоғли зонадаги хўжаликларда бошқа экинларга қараганда мева ва узум етиштириш фойдали эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Бундан ташқари тоғли районларда сифатли мева ва узум, шу жумладан қуритиш ва вино тайёрлаш мумкин бўлган мева ва узум олиш мумкин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети тоғли районларда ерларни тезроқ боғ ва токзор қилиш лозим деб топдилар. Бу эса районлар, колхозлар ва совхозларнинг экономикасини янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, қўшимча маҳсулот олиш имконини яратади. Тоғли районларда яқин йилларда 10,1 минг гектар ерни боғ қилиш ва 20 минг гектар ерни токзор қилиш юзасидан план тасдиқланди. Тошкент, Самарқанд ва Сурхондарё область партия комитетлари ҳамда область ижроия комитетларига, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Оҳангарон, Ургут, Фориш, Хатирчи, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Чироқчи, Сариосиё, Бойсун, Қамаши ва Деҳқонобод район партия комитетлари ҳамда район ижроия комитетларига, Халқ хўжалиги кенгашига, Совхозлар бош бошқармасига қуйидаги вазифалар топширилди:

бир ой ичида ҳар бир колхоз ва совхозда боғ ва токзор қилиш планларини ишлаб чиқиш ҳамда кўчат ўтказиш учун ер ажратишни 1 мартга қадар тугаллаш;

янги боғ ва токзорларни тўла ва қисман суғориш учун маҳаллий сув омборлари ва ирригация тармоқлари қурилиши масаласини манфаатдор ташкилотлар, бошқармалар, колхозлар ва совхозлар билан биргаликда ҳал этиш;

боғ ва токзорлар барпо қилиш планининг бажарилишини қатъий назорат қилиб бориш, шунингдек кўчатларнинг намунали парвариш қилинишини, уларнинг тўғри ҳисобга олиниши ва сақланишини ташкил этиш;

тоғ ва тоққа яқин районларда магистрал, маҳаллий ва хўжаликлар территориясидаги йўллар четларига асосан мевали дарахтлар ва ёнғоқ экиш.

Қиш ва баҳорда суғориш ҳамда ёз ойларида 2-3 марта суғориш мумкин бўлган ерларни биринчи навбатда; қиш-баҳорда суғориш мумкин бўлган ерларни (ним лалми ерлар) иккинчи навбатда боғ ва токзор қилинсин. Бу ерлар ўзлаштирилгандан сўнг, шунингдек бундай ерлар бўлмаган районларда камида 450-500 миллиметр ёғин тушадиган ерлардан (токзор қилиш учун) ва камида 600 миллиметр ёғин тушадиган ерлардан (лалми ерлар) боғ қилиш учун фойдаланилсин.

Р. Р. Шредер номидаги илмий текшириш институтига боғ ва токзор қилиш учун яроқли суғориладиган, ним лалми ва лалми ерларни аниқлаш мақсадида 1962-63 йилларда республиканинг тоғли районларини муфассал текшириш, бу ерларга агрономик баҳо бериш ҳамда ток ишда кўмилмайдиган микрозоналарни аниқлаш, тоғли районларда боғдорчилик ва узумчилик масалалари юзасидан, шунингдек тавсиянома тайёрлаш юзасидан илмий текшириш ишларини кучайтириш топширилди. Тавсияномага агротехника, сортларни танлаш ҳамда табиий мевазорларни яхшилаш масалалари ҳам киритилиши лозим. Тоғли районларда боғ ва токзорлар барпо қилиш ва парвариш қилиш юзасидан 1 апрелга қадар инструкция тайёрлансин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Сув проблемалари институтига ҳамда «Средазгипроводхлопок» институти зиммасига олти ой ичида тоғли районларда суғоришни ривожлантириш имкониятлари ҳақида республика Министрлар Советига таклиф тақдим этиш вазифаси топширилди.

Самарқанд ва Сурхондарё областларида тоғ боғдорчилиги ва узумчилиги майиз ва кишмиш, қуритилган мева ва данакли мева етиштириш бўйича, Тошкент областида эса ёнғоқ магизи, данакли мева, истеъмол қилинадиган узум ҳамда столовой ва шампан винолари ишлаб чиқариш учун хомашё етиштириш бўйича ихтисослаштирилади.

Совхозлар бош бошқармасига тоғ зонасидаги совхозларда ихтисослаштирилган боғдорчилик-узумчилик бўлимлари ва ишлаб чиқариш участкалари ташкил этиш тавсия қилинди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг қарорида Бўстонлиқ тажриба станциясининг ерларини кенгайтириш, тоғли районларда янги йўллар қуриш ва мавжудларини яхшилаш, ўрмон хўжаликлари территорияларида тоғ ёнбағирларига мева кўчатлари ўтказиш, техника билан таъминлаш тоғлардаги мавжуд мевали дарахтзорларни яхшилаш, ҳўл ва қуритилган мева, узум тайёрлаш ҳамда республика тоғли районларида мевали дарахтзорларни ва токзорларни ривожлантириш ишларини пул билан таъминлаш масалалари ҳам кўзда тутилган.

СОВЕТ ҲУКУМАТ САВДО ДЕЛЕГАЦИЯСИ ПХЕНЬЯНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

МОСКВА, 19 февраль. (ТАСС). 1962 йилда СССР билан КХДР ўртасида товар обороти тўғрисида музокаралар олиб бориш учун Ташқи савдо министри Н. С. Потоличев бошлиқ СССР ҳукумат савдо делегацияси бугун Москвадан Пхеньянга жўнаб кетди.

ТАЪҚИБ

ПАРИЖ. Француз маъмурлари «Юманите» газетасининг бош редактори Рене Андриени суд йўли билан таъқиб этмоқдалар. Франциянинг Сахроий Кабирда ядро қуролини яна портлатиш эҳтимоли борлиги тўғрисидаги хабар ўтган йилнинг 8 ноябрда «Юманите» газетасида босилиб чиққанлиги муносабати билан уни «ҳарбий сирни очиб бериш»да айблайдилар. Шуниси қизиқки, ана шу хабар буржуа газеталарининг кўпида, шу жумладан «Монд», «Парн-пресс-энтрансижан», «Франс-суяр» газеталарида ҳам босилиб чиққан эди. Аммо маъмурлар бу газеталарни безовта қилмаётирлар...

ЯНА ПОРТЛАШ!

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатларнинг Невада штатида яна иккита ядро қуроли портлатилди.

ҲАРБИЙ МАНЕВРЛАР

НЬЮ-ЙОРК. ЮПИ агентлигининг мухбири Маниладан хабар беради: Америка ҳарбий-денгиз флоти қўмондонлиги 2 мартдан 12 апрелгача СЕАТО ташкилоти Миндоро марказий оролида десант қўшинларининг йирик машқ маневрлари ўтказилади деб хабар қилди. Бу маневрларда Америка, Филиппин ва Австралия кемалари қатнашади.

(ТАСС).

САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН БОРМОҚДА

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

МОҲИР ЙИГИРУВЧИ

Ўртоқ Ф. ШЕРОНОВА

Фаина Аксентьевна Шеронова ҳақида зўр хурсандчилик ва ғурур билан гапиргингиз келади. Бу оддий аёлнинг ҳаёти ва меҳнати ҳақида ҳикоя қилар экансан қалбларинг қувончга тўлади. Ўзингда йўқ фахрланасан. Ахир, унинг номи гигант комбинатимизнинг барча касбдаги ишчилари томонидан ҳурмат билан тилга олинади-да, улар ўз қаторларидан ана шундай юксак ахлоқли, забардаст, доимо жонбозлик билан меҳнат қилувчи кишининг етишиб чиққани билан мағрурланадилар. Фаина Аксентьевна шундай юксак иззат-икромга ўзининг ҳалол ва унумли меҳнати билан, жамоат ишларида актив қатнашиши билан сазовор бўлди.

Дугонамиз эндигина 28 баҳорга қадам қўйди. Ёш бўлишига қарамай у ишбиларманд йигирувчи. У дунёга келган онла ҳам тўқимачилар оиласи эди. Шунинг учун бўлса керак у ёшлигиданоқ ана шу касбни эгаллашга аҳд қилди, чунки ота-онаси тўқимачи деган фахрли касбга унинг ҳавасини уйғотишган эди.

Фаина оилавий анъанага амал қилиб, опа-сингиллари сингари Кинешмадаги 2 йигирув фабрикасида ишлай бошлади. Идрокли, билмаганини тортинмай сўраб оладиган бу ёш қиз кўп ўтмай илғор тўқувчилар сафидан ўрин олди. У бу билангина чегараланиб қолмади. Кекса касбдошларининг тажрибасини қунт билан ўрганди, ўз малакасини ва билимини ошириш йўлида чарчашни билмеди.

Ўртоқ Ф. Шеронова Тошкент тўқимачилик комбинатига малакали йигирувчилар кераклиги ҳақидаги хабарни эшитиши билан ҳеч иккиланмай йўлга отланди, чунки Ватан манфаати буни тақозо этишини чуқур ҳис қилди. Ўзи туғилиб ўсган шаҳри ва уни камолатга етказган фабрика коллективи билан хайрлашиш қанча оғир бўлмасин қатъий иродали, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан юқори қўядиган бу рус қизи Тошкентга келди. У, комбинатнинг 3-йигирув фабрикасига ишга кирди. Мана, деярлик саккиз йилдан бери ана шу даргоҳда меҳнат қилиб келаяпти.

Камтар йигирувчи фабриканинг Рая Архангельская бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси. Бу бригада комбинатимизда биринчилар қатори шундай юксак номга сазовор бўлган эди. Унинг аъзолари «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун!» деган шиор остида фидокорона меҳнат қилишяпти. Нормани доим ортиғи билан бажариш, маҳсулотнинг аъло сифатли бўлишини таъминлаш уларнинг одати бўлиб қолган.

Фаина Шеронова ўз дугоналари Анна Власова, Катя Чечева, Тамара Ельцова, Нина Андрианова, Люда Фомичевалар билан бирга меҳнатда, юриш туришда ва ахлоқда комбинат ишчиларига ўрнак бўлмоқда. Уни ишлаётганда кўрсангиз завқингиз ошади, чақкон ва эпчил ҳаракатларини кузатсангиз ҳавасингиз келади. У, бир йўла 1512 тагача урчуқни бошқаради. Бундай кўрсаткич билан ишлайдиган йигирувчилар комбинатимизда кўп эмас. Фаина ўтган йили нормадагидан ташқари юзларча килограмм ип йигирди, етти йилликнинг тўртинчи йилни ҳам меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан бошлади, шу йилнинг ўтган бир ярим ойи мобайнида қўшимча анчагина маҳсулот берди.

Бундай ютуқларга эришишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Фаина Шеронова агрегатлардан унумли фойдаланиш туфайли бунга эришяпти. У, мунтазам ўз иш усулларини такомиллаштириб боради, иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан баракали фойдаланишга интилади. Шунинг учун ҳам Фаина техникага асосланган нормани ҳам доимо ортиғи билан адо этмоқда.

Ўртоқ Шеронова кўп йиллар давомида ишлаб орттирган бой тажрибасини ҳамкасбларига жон-дили билан ўргатмоқда. У, ҳатто ишдан қолиб бўлса ҳам ўз тажрибасини дугоналари билан ўртоқлашади. Ундан касб ўрганган йигирувчилар анчагина. Людмила Фомичева ҳам унинг таълимини олган. Фаина Людмилага узилган толани тез ва аниқ улаш йўлларини ўргатди. Бир вақтлари қолоқ ҳисобланган, нормани бажармайдиган ўртоқ Фомичева Фаинанинг ёрдами билан комбинатнинг илғор йигирувчилари сафидан муносиб ўрин олди.

Яқинда фабрикада Фаинанинг иш тажрибасини оммалаштиришга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Конференцияга юзлаб йигирувчилар тўпландилар. Ўртоқ Шеронова ўз иш тажрибалари ҳақида, меҳнатда юксак кўрсаткичларга қандай қилиб эришаётганлиги, дастғоҳларни доимо яхши ҳолатда сақлаётганлиги ҳақида батафсил гапириб берди, ип йигиришни янада кўпайтириш имконини берадиган жуда кўп резервлар борлигини ва улардан фойдаланиш йўлларини кўрсатди. Унинг доклади дугоналари орасида жуда катта қизиқиш уйготди.

Фаина новатор йигирувчи сифатида ҳам ҳаммага таниллган. Унинг йигирув агрегатларидан фойдаланишни яхшилашга қаратилган бир қанча таклифлари бор. Биз ана шу таклифларнинг бири ҳақида гапириб ўтмоқчимиз. Илгари втулка мой билан тўлдирилганда унинг томчилари калавага тегарди, бу билан қанча меҳнат сарфлаб тайёрланган калава браккa чиқарди. Фаина буни бартараф этадиган таклиф билан чиқди.

Йигирувчи жамоат ишларида ҳам актив иштирок этмоқда. У ишдан кейин қолиб фабрикада тайёрланган калава сифатини текширишда иштирок этади. Бракловчилар унинг мулоҳазаларини доимо эътиборга олишади, у бир кўришдаёқ калаванинг сифатини белгилаб беради. Ўзи эса доимо сифатли маҳсулот тайёрлайди. Фаина ишлаб чиқарган калаванинг 99,8 процента доимо биринчи сортга қабул қилинмоқда.

Камтар, ишбиларманд йигирувчи Фаина Шеронова Тошкент-Ленин сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди. Ҳеч шубҳа йўқки, ҳамкасбимиз минглаб сайловчилар кўрсатган бу ишончни шараф билан оқлайди. Биз бунга аминмиз. Шунинг учун ҳам барча сайловчиларни 1962 йилнинг 18 Мартида Фаина Аксентьевна Шеронова номзоди учун овоз беришга чақирамиз.

К. П. ПИТЯКОВА,
3-фабрика йигирув цехининг бошлиғи.
Ш. А. ТРИФИЛОВА,
мастер ёрдамчиси.
Л. ФОМИЧЕВА,
цех комсорги, йигирувчи.
А. ВЛАСОВА,
йигирувчи.

Колхозчилар миннатдор

Бу галги йиғилишга ҳар қачонгидан кўп колхозчилар тўпланди. Улар ўқитувчи агитатор М. Маткаримовнинг «Совет сайлов системаси дунёда энг демократик сайлов системасидир» деган темадаги суҳбатини қизиқиб тингладилар.

— Баракалла ўғлим.

— Мазмунли суҳбат учун раҳмат!

— Бундай суҳбатлар тез-тез бўлиб турсин!

Колхозчи ота-оналар ана шундай миннатдорлик сўзларини айтиб хурсанд бўлиб тарқалишди.

Оққўрғон районидаги «Озод» колхозида жойлашган агитпунктда сайловолди агитацияси кун сайин авж олдирилмоқда. Ўқитувчи агитаторлардан М. Маткаримов, Д. Ҳусанов, Р. Аҳмедова сингари ўртоқлар ўзларининг бўш вақтларини кўпинча сайловчилар орасида ўтказадилар. Бу ишчан агитаторларнинг КПССнинг янги Программаси ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш соҳасидаги вазифалар, Совет сайлов системаси, халқаро аҳвол тўғрисида ўтказаётган суҳбатлари жуда қизиқарли бўлмоқда.

— Сайловга тайёргарлик кўришни намунали йўлга қўйишда, — дейди агитпункт мудири ўртоқ М. Идрисхўжаев, — комсомол ўқувчиларимиз ҳам актив ёрдам бермоқдалар. С. Раҳимжонов, Ж. Ғозибеков сингари ўқувчилар шулар жумласидандир. Комсомоллар агитпунктни безатишда, сайловчиларнинг рўйхатини қайта текшириб чиқишда яхши ишладилар. Улардан колхозчилар миннатдор.

Т. МАҲМУДХУЖАЕВ.

МАЗМУНЛИ СУҲБАТЛАР

Тошкентдаги чинни заводи партия ташкилоти қошида КПСС XXII съезди материалларини ўрганиш юзасидан ташкил этилган тўғаракларга С. Ҳусаинов, Р. Ибрагимов ўртоқлар раҳбарлик қилмоқдалар. Улар «Партиямизнинг янги Программаси ва Устави», «Шахсга сиғинишнинг зararли оқибатлари», «Коммунизм нима?» сингари темаларда қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Тўғарак қатнашчилари СССР Олий Советига сайловлар тўғрисида ҳам мазмунли суҳбатлар тинглашаяпти.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
И. РУСТАМОВ.

Тажрибалар ўртоқлашилмоқда

Кейинги вақтда Калинин районидаги Ленин номли колхознинг партия комитети агитаторлар ишига раҳбарлик қилишни бирмунча яхшилади. Агитаторларнинг маҳоратини ошириш партия ташкилотининг диққат марказида бўлмоқда. Бу ерда агитаторларнинг тез-тез семинарлари ўтказилиб турибди.

Яқинда бўлиб ўтган семинар ҳам анча қизиқарли ўтди. Унда агитаторлардан Маҳкамов, Раззоқов, Абдушукуров ўртоқлар сайловга тайёргарликни дала ишлари билан боғлаб олиб бориш соҳасида нималар қилаётганликлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Р. ТУЛИБОЕВ.

КОММУНИСТИК КОРХОНА НОМИ УЧУН

НИШОНА

Кечқурун корпус бошлиғининг хонасида ўтказилган йиғинда Раҳимжон яна ўша мусобақадоши Мустафин бошлиқ бригаданинг иши ҳақида гап очди.

— Гапнинг сираси, бу аҳволда биз узоққа боролмаймиз. У шундай деди-ю, кўпдан буён кўнглига тугиб юрган фикрини айтабошлади. — Мен бригада ёмон ишлаяпти демайман, планни бажаришяпти. Лекин детални бизга ўз вақтида етказиб беришда оқсоқланиб қолишяпти. Натижада бригадамиз аъзоларининг кўп вақти деталь қутиш билан ўтмоқда.

— Хўш, сизнингча нима қилиш керак? —сўради корпус бошлиғи Цаскин.

— Мен иккала бригадани қўшилса яхши бўлади дейман.

Корпус бошлиғи Раҳимжон бирор вазифани бажарамаи деб сўз олдими, ўрнига қўймасдан кўнгли жойига тушмаслигини яхши биларди-ю, лекин шу масалага қолганда нечундир тихирлик қила бошлади.

— Яхши. Айтайлик, шундай ҳам қилдик. Ахир Мустафин бригадасининг аъзолари сизлар бажараётган ишни ўрнига қўйиша олмайдику У вақтда детални барибир яна ўзлари тайёрлаб беришга тўғри келадими? Бундан бизга нима фойда?

— Фойдаси шуки, — деди Раҳимжон, — деталь тайёрлаш бригадамиз ҳар бир аъзосининг қўлидан келади. Ўзимиз тайёрлаб, унга ўзимиз ишлов бериш қўлимиздан келганидан кейин биров тайёрлаб беришини кутиб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Менимча шундай қилсак кўп вақтимиз беҳуда кетмайди, меҳнатимиз ҳам баракали бўлади. Уларни эса ўз касбимизга ўргатиб оламиз.

Энди эътирозга ҳеч бир ўрин қолмаганлигини билган корпус бошлиғи ноилож:

— Гап буёқда дегин, хўп кўрамиз, лекин, яна пухтароқ ўйлаб кўр, — деди.

Дарвоқе ўз зиммасига бир йўла икки масъулиятли вазифани олиши, олганда ҳам смена топширигини 110—115 процентдан кам бажармасликка ваъда бериши, айниқса бошлиқнинг «ўйлаб кўр» дейиши ўша кезлари Раҳимжоннинг юрагига анча ғулғула солиб қўйган эди. Йўқ, вазифа ҳанчалик масъулиятли бўлмасин Раҳимжон бир дам бўлса ҳам иккиланмади. Чунки бригаданинг Юрий Нетбайло, Туроб Маймаков, Рўзимат Холматов ва Аҳад Эргашев каби аъзолари туғишганлардан ҳам афзал. бир-бирига ҳамдард ва ҳамнафасдир. Уларни худди бир оиланинг фарзандлари дейсиз. Раҳимжон икки масъулиятни ўз зиммасига олаётганда ана шу дўстларига орқа қилганди.

Раҳимжон Эгамбердиев бошлиқ коммунистик меҳнат бригадасининг беш азамат аъзоси бир ёқадан бош чиқариб ишлашди. Улар смена ёки ойлик топшириқни 125—130 процентдан ошириса оширишди, кам бажаришмади. Раҳимжон кўрдики, топшириқнинг бажарилиши, иш соатлари ҳамда хомашёнинг тежаб борилиши чакки эмас. Шундан сўнг у ўз-ўзига: хўш, нима учун ана шу тежалган хомашё ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин эмас, деган саволни берди ва орадан кўп ўтмай «Тежалган вақт ва хомашё ҳисобига қўшимча маҳсулот бериш учун мусобақалашайлик» деган шиорни кўтариб чиқди. Бу ажойиб ташаббус бригададан бригадага, цехдан-цехга, ҳатто бутун комбинатга ҳам тарқалди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Касаба союзларининг республика Совети новатор Эгамбердиевнинг бу меҳнатини тақдирлаб уни «Социалистик мусобақа аълочиси» деган значок билан мукофотлади.

Раҳимжон, сен бошлиқ бригада фақат ўтган бир ойнинг ўзида 1,5 кунлик ишлаб чиқаришга етадиган 240 сўмлик хомашё тежапти. Айтчи, сен бошлаган бу ҳайрли иш коммунизм қурувчисининг яшаш ва меҳнат қилиш намунаси эканлигини билармидинг? Сен ва сенинг дўстларинг ой сайин тежаб қолаётган бу суммалар миллионлар меҳнати билан қад кўтараётган ана шу жамият пойдеворига мустаҳкам гишт бўлиб қўйилишини сезганмидинг? Сен ана шу ажойиб ишга қўл ураётганингда номинг кўплар тилида достон бўлишини ҳаёлингга келтирганмидинг?

Комбинатда «эгамбердиевчилар» деган янги ном пайдо бўлипти. Бу янги ҳаракатга янги пешқадамлар, янги зарбдорлар қўшиляпти. Бу — коммунистик онгликни ошириш учун курашга сен қўшган ҳиссаннинг ажойиб самарасидир, Раҳимжон!

Комбинат цехларини айланган сари, у ердаги ишчилар, мастерлар, инженер ва техниклар билан суҳбатлашган сари қалбни қувонч ва фахрланиш туйғуси билан тўлқинлантирадиган гапларни, фактларни эшитаверасиз Ҳозир комбинатда 29 бригада, 21 смена, 2 лаборатория, 3 та группа, 1 подстанция ва 6 участка коммунистик меҳнат коллективи, 632 киши коммунистик меҳнат зарбдори номини олиб ишламоқда. Кўплар бу шарафли унвон учун курашаётир.

Носиров, Пашкун, Бистрова, Ширикова ўртоқлар бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаларининг аъзолари, шунингдек Кушбоев Сеубонова, Богов ва Аҳмедов ўртоқлар каби зарбдорлар ишлаб чиқаришда ажойиб кўрсаткичларга эришмоқдалар. «Ёнилғи сарфлаш коэффициентини камайтириш ҳисобига ҳар ойда энг камя 200 сўмни тежаймиз!» 15-цехдаги Назрулла Носиров бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларининг шиори ана шундай эди. Сўзи билан иши бир бўлган бу аҳил коллектив шу кунгача қарийб 4 минг сўмлик ёнилғини тежабди.

Айрим бригада, участка ёки цехлардагина эмас. бутун корхона бўйича коммунистчасига яшаш ва меҳнат қилишга ўтиш учун кураш қизғин давом этмоқда.

— Коммунистик меҳнат корхонаси деган юксак номни қозониш учун. — дейди комбинат партия комитетининг секретари ўртоқ Аҳмедов, — янги техника ва мураккаб технология процессларини бошқариш учун назария билан яхши қуролланган юқори малакали мутахассислар талаб қилинади. Шу сабабли ҳам комбинат партия комсомол ва касаба союз ташкилотларининг асосий эътибори кадрларнинг техника билимини оширишга қаратилган.

1961 йили Афонин, Дежин, Жеровников ва Захаров каби коммунистлардан 25 киши бутуниттифоқ политехника институтини тугатиб инженер деган дипломни олишга муваффақ бўлди. 29 киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Чирчиқ индустриал техникумини, 41 киши кечки ишчи-ёшлар мактабини битирди.

Ҳозир комбинатнинг 2000 дан ортиқ ишчиси ўз малакасини оширмоқда. Шу жумладан, 370 киши турли институтларнинг кечки ва сиртқи бўлимларида, 164 киши техникумларда, 156 киши ишчи-ёшлар мактабида, 1400 дан ортиқ киши турли техникум ва курсларда ўқимоқда.

Корхонамизнинг бирор аъзоси йўқки, у энг камида икки касбни эгаллаб олмаган бўлсин. Натижада одатда учраб келган: «фалончи ишга чиқмабди, ўрнига кимни қўямиз» деган гап энди комбинатда мутлақо эшитилмайди. Бизда биринчи ўрнини иккинчиси босиб кетаберади. Чунки «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун», «киши кишига-дўст, ўртоқ ва биродар» деган коммунистик ахлоқ принциплари коллективимизнинг ҳар бир аъзоси онгига сингиб бормоқда.

Ҳозир комбинатнинг цехларида ташкил қилинган жамоатчилик конструкторлик бюролари корхона конструкторлик бюросининг бошлиғи ўрток В. Белов раҳбарлигида катта ижодий иш олиб бораётган экан. Улар ҳар йили давлатнинг 200 минг сўмдан ортиқ маблағини тежаб қолиш «сирларини» очиб бермоқдалар. Улар 15 та проектни ишлаб чиқаришга жорий қилиб, давлатнинг қарийб 100 минг сўмдан ортиқ маблағини тежаб қолишга эришдилар.

Маълумки, илгари агрегатлардан чиққан газ чиқиндилари ҳавога тарқалар эди. Ўртоқ Беглов бошлиқ конструкторлар ана шу газ чиқиндиларини махсус труба орқали ТЭЦга ўтказиб, ундан ёнилғи сифатида қайта фойдаланиш проектини ишлаб чиқдилар. Биргина ана шу проектнинг ўзидан корхона қўшимча равишда бир неча ўн минг сўм фойда кўрмоқда.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XXII съездида партиянинг янги Программаси ҳақида қилган докладида «касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотларининг, айниқса қуйи ташкилотларининг роль ва ҳуқуқларини бутун чоралар билан ошириш, ходимлар коллективининг корхоналарни бошқаришда иштирок қилиши тобора кенг ва актив тус олишига эришиш лозим», деб уқтирилади. Партиянинг ана шу кўрсатмалари билан қуролланган комбинат партия ташкилоти ўзининг бутун оммавий ва ташкилотчилик ишларини жамоатчилик кучига таяниб олиб бормоқда. шулар ёрдамида коллективни коммунистик меҳнат корхонаси номи учун курашда олинган мажбуриятларнинг тўла-тўкис бажарилишига сафарбар этмоқда. Бу ўринда олдиндан пухта тайёргарлиги бор принципиал, актив коммунистлардан 170 кишини ўз сафига бирлаштирган партия комитети ҳамда бошланғич партия ташкилотлари ҳузуридаги 30 дан ортиқ партия контроль комиссиялари олиб бораётган ишлар ибратлидир. Улар ишлаб чиқаришни ташкил этишда, шунингдек маъмурият фаолиятидаги камчиликларни очиб ташлашда, ишлаб чиқариш маданиятини ва меҳнат унумдорлигини оширишда партия комитетига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Коммунист ва партиясиз активлардан 113 киши доимий ишлаб чиқариш кенгашларида қатнашиб, кўпгина тадбирларни амалга оширдилар.

Натижада корхона йил бошидан буён қишлоқ хўжалиги учун пландагидан ташқари бир неча минг тонна ўғит етказиб берди, анчагина электр қуввати тежаб қолинди. Шу муддат ичида меҳнат унумдорлиги белгиланганидан бир мунча оширилди. талай рационализаторлик ва ихтиочилик таклифи ишлаб чиқаришга жорий қилинди.

Биз комбинатда партия янги Программасининг ҳар бир бобини, ҳар бир жумла ва сўзини дилга жо қилиб, коммунизмнинг нурафшон биносини қуришда актив қатнашаётган зарбдорларни, уларнинг меҳнат ва шахсий ҳаётларида эса коммунизм кишисининг илк нишоналарини кўриб қувондик.

А. ШАЙХОВ,
Чирчиқ шаҳри, электрохимия комбинати.

Хонадонларга арзон ёнилғи

Етти йилликнинг учинчи йилида пойтахтимизни газлаштириш юзасидан катта ишлар қилинди. «Таштекстильмаш», «Газоаппарат», лак-бўёқ, изолятор заводлари ва тери пишириш комбинати, Тошкент ТЭЦи, каноп фабрикаси ва бошқа корхоналар зангори ёнилғи билан ишлашга кўчирилди. Шунингдек, 11 та коммунал-маиший муассаса ва 12 минг квартира бу арзон ва қулай ёқилғидан фойдалана бошлади.

«Ташгоргаз» бу йил шаҳарни газ билан таъминлаш юзасидан муҳим тадбирларни амалга оширади. Жумладан, пойтахтдаги «Трактородеталь», «Подъёмник», ипак йигирув ва мебель фабрикаси каби йирик корхоналарга газ трубалари ўтказилади. Болалар боғчалари, яслилари, ётоқхона, шифохона, поликлиника, мактаб, ошхона ва буфетлар — ҳаммаси бўлиб 180 муассаса ва ташкилот Бухоро табиий газидан баҳраманд бўлади.

Шу йилнинг охиригача Тошкентдаги 26 минг квартирани газ билан таъминлаш планлаштирилган. Кўчалардаги газ қувурлари яна 70 километрга узайтирилади. Шаҳар бўйича ҳаммаси бўлиб 240 миллион метр куб табиий газ, 9 минг тонна суйилтирилган газ ишлатилади. Бу рақам ўтган йилдагидан анча кўпдир.

Корхона ва коммунал-маиший муассасаларнинг газ билан ишлашга кўчирилиши жуда катта иқтисодий фойда келтиради. Масалан, Тошкент ТЭЦининг ўзи зангори ёқилғи туфайли бир йил ичида таҳминан бир миллион сўмга яқин фойда кўради. Бундан ташқари электростанция ишчиларининг меҳнат шароити яхшиланади, ҳаво анча тоза бўлади.

И. АЛИМОВ.

БУ КИТОБНИ ЎҚИНГ

ЗАРУР ҚЎЛЛАНМА

Яқинда биз бир агитаторнинг суҳбатида иштирок этдик. Гап совет демократияси ҳақида борарди. Агитатор ўзининг ҳар бир фикрини қизиқарли ва ёрқин мисоллар билан тасдиқларди.

Суҳбатдан сўнг биз, сайловчилар билан учрашувга бунчалик яхши тайёрланганингизнинг боиси нимада, деб сўрадик. У жавоб бериш ўрнига, ён чўнтагидан муқовасига «Спутник избирателя» («Сайловчилар учун қўлланма»[1]) деб ёзилган китобчани олиб кўрсатди.

Қани, бу китобчани варақлаб кўрайликчи, унда нималар ҳақида ёзилганикин.

«Қўлингиздаги китоб, — деб ёзади авторлар, — совет тузумининг чинакам демократизми, СССР гражданларининг катта ҳуқуқлари ва асосий бурчлари тўғрисида ҳикоя қилади. Бунда китобхон мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг йигирма йилга мўлжалланган улуғвор плани ҳақидаги, совет фани, маданиятининг гуллаб-яшнаётганлиги, халқ моддий фаровонлигининг ўсаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар билан танишади. Тўпламга киритилган материаллар — қонун актларидан кўчирмалар. турли хил статистик маълумотлар, бадиий адабиёт ва публицистик асарлардан парчалар, ҳар турли схема ҳамда жадваллар совет халқи эришган ажойиб муваффақиятлардан гувоҳлик беради».

Тўпламнинг биринчи боби «Коммунизм учун овоз берамиз» деб номланган бўлиб, унда Ватанимизнинг чексиз кенгликлари, битмас-туганмас бойликлари, халқ хўжалиги ва маданияти ҳақида, коммунистик жамият қуришнинг конкрет программасини қабул қилган КПСС XXII съезди совет халқи олдида очиб берган буюк перспективалар ҳақида ҳикоя қилинади. Совет социалистик тузумининг улуғворлиги, совет халқининг коммунизм учун курашини кўрсатувчи ёрқин рақамлар ҳамда иллюстрациялар китоб мазмунини бойитишга хизмат қилган.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун курашда мамлакатимиз эришаётган муваффақиятларни кўрсатувчи рақамлар кишини қувонтиради. Мана, бир мисол: ҳозирги вақтда бизнинг пўлат эритувчиларимиз ҳар минутда 120 тонна пўлат эритмоқдалар. Бу пўлатдан Челябинск трактор заводи ишлаб чиқарадиган қудратли тракторлардан 11 тасини яратиш мумкин. Домначиларимиз эса ҳар минутда тахминан 90 тонна чўян эритмоқдалар. Шунча миқдордаги метални 1928 йили 15 минут ичида, 1932 йили 8 минутда, 1950 йили эса 3 минутда ишлаб чиқарар эдик.

Китобнинг «Дунёда энг ёрқин демократия» деб аталган иккинчи бобида социализм эришган улкан муваффақиятлар баён қилинган. Жамиятимизнинг социал составини, СССРнинг иқтисодий ва сиёсий асослари, мамлакатимизнинг бутун ҳаётига раҳбарлик қилаётган ленинчи Коммунистик партиянинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар жуда содда ва равон тилда тушунтирилади.

Пролетариат диктатурасининг давлат формаси сифатидаги Советларнинг социал моҳияти социализм ғалаба қилгани туфайли ўзгарганлиги яхши очиб берилган. Социалистик давлат ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйди. Давлатнинг социалистик жамият меҳнаткашларининг умумхалқ ташкилотига ўсиб ўтиш процесси бошланди.

Мамлакатимизни бошқариш йўллари, қардош республикалар дўстлиги тўғрисидаги, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг фаолияти, СССР гражданларининг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисидаги материаллар жуда қизиқарлидир. Шунингдек, совет сайлов системаси ҳақида ҳам атрофлича ва муфассал гапирилади.

Китобнинг сўнгги боби «Буржуа дунёсининг сохталиги» деб аталади. Бунда ҳукмрон табақалар манфаатини кўзловчи буржуа демократиясининг асл моҳияти очиб берилган. Буржуа демократиясини фош қилувчи ёрқин мисоллар келтирилади.

Халқ оммасини сайловларда қатнаштирмасликка қаратилган ҳар турли цензлар, овоз берувчиларни сотиб олиш, дўқ-пўписалар ва бошқа сохта ишлар—буржуа сиёсатдонлари ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб қолиш мақсадида ана шу воситалардан кенг фойдаланадилар. Бу ҳол буржуа демократиясининг гражданлар тенглигини формал равишда эълон қилиб, амалда эса уларни энг оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам маҳрум қилганлигини очиқ-ойдин кўрсатиб туради. Капитал мамлакаларида фақат бойлар, мулкдорлар учун эркинлик таъмин этилган. Эксплуатация ва муҳтожликдан эзилган оддий кишилар эса бундай ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев КПСС XXII съездида қилган докладида бундай деган эди: «Империализм идеологлари капитализм дунёсини «озод дунё» деб атайдилар. Хўш, капитализм Совет Иттифоқидаги чинакам озодликка, экономиканинг, моддий фаровонликнинг, маданиятнинг ўсишига, шахснинг ривожланишига нимани қарши қўя олади? Бойларнинг камбағалларни, ишдан «озод бўлган» миллионлаб кишиларни эркин эксплуатация қилиши ва талашини, солиқларнинг кўпайишини, қурол-яроғларни ҳаддан ташқари кўпайтиришни, ирқий камситишни, пулдорларнинг диктатурасини, демократик ташкилотларни таъқиқлашни қарши қўядими? Шу ҳам озод дунёми? Йўқ, бу, озод дунё эмас, бу — қуллик ва эксплуатация дунёсидир!»

Мана, биз китобни варақлаб ҳам чиқдик. Давлат сиёсий адабиёт нашриёти сайлов кампанияси қизғин авж олган шу кунларда сайловчилар учун яхши совға тайёрлабди. Шундай эмасми, ҳурматли газетхон?

Бу китобда жуда фойдали ва зарур материаллар бор. Улар агитаторларга ҳам, сайловчиларга ҳам қўл келади, албатта.

Г. МАРКОВ.

[1] «Спутник избирателя». В. М. Водолагин, Г. В. Иванов ва В. П. Костинлар томонидан тузилган. Давлат сиёсий адабиёт нашриёти. Москва, 1962 йил.

Республика Социал таъминот министрлигига қарашли ишлаб чиқариш комбинатининг мебель цехи коллективи турли хил стол, стул, шифоньер, шкаф сингари буюмлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди. Суратда: цехнинг илғор усталари (чапдан) В. Ан, В. Шарофхўжаев ва Е. Даминовлар маҳсулот сифатини яхшилаш ҳақида фикрлашмоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунлик топшириқларни 125-140 процент бажармоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

КЎКЛАМНИ ТЎЛА ШАЙЛАНГАН ҲОЛДА КУТИБ ОЛАЙИЛИК!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» Қишлоқ хўжалик халқ университети

6 - МАШҒУЛОТ

Янгиер районидаги «Коммунизм» номли колхоз пахтакорлари ўтган йили 2375 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектардан 32,8 центнердан «оқ олтин» кўтарган эдилар. Улар бу йил 2500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил кўтариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу илғор хўжаликнинг азамат механизаторлари мавжуд техникани муддатидан бир ой илгари сифатли ремонт қилиб қўйдилар. Суратда: (чапдан) колхоз механиги С. Очилов ҳамда бригада бошлиғи Х. Қўзиев ўртоқлар тайёр агрегатларни кўздан кечирмоқдалар.

В. Кожевников фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТЕХНИКАНИ МАВСУМГА ҚАНДАЙ СОЗЛАШ КЕРАК

Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги машиналари ремонтини тез ва юқори сифатли қилиб ўтказиш колхоз ҳамда совхоз механизаторлари, шунингдек «Ўзсельхозтехника» ремонт устахоналарининг коллективлари олдида турган энг масъулиятли вазифадир.

Экишдан олдин ерларни ишлаш ва экиш даврида плуглар, экин текисловчи асбоблар, бороналар, мола, сеялка, культиватор — ўғит солгич ва бошқа ускуналар зарур бўлади. Шунингдек, «ДТ-23-3», «Т-28Х» ва «универсал» тракторлари бўлиши шарт.

Ремонтдан чиқарилган техника қандай талабларга жавоб бериши керак?

Барча тракторларнинг ишга умуман тайёрлигидан ташқари, орқадаги гилдирак баллонларининг газ босими текшириб кўрилади. Бу босим 1,5—2 атмосферага тенг бўлиши керак. Чунки, босим шундай бўлганда машинанинг экишга тайёрлаб қўйилган ерда яхши ишлаши таъминланади. «ДТ-24-3» трактори гилдиракларининг оралиги шундай мосланадики, бунда сеялканинг тирғаклари орқадаги гилдираклар изидан юрмайдиган бўлиши керак. Гидро системанинг мустаҳкамлигига, шлангларнинг маҳкамлигига, бошқариш ва осиб қўйиладиган системанинг бенуқсон ишлайдиган бўлишига алоҳида эътибор берилади. Руль гилдираги луфтининг 18—20 градусдан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди. Тракторлар агрегатни маркёрнинг изидан тўғри чизиқ бўйлаб юргизишга имкон берадиган энг оддий кўрсаткичлар (визир) билан жиҳозланган бўлиши шарт. Бу нарса экиш вақтида айниқса муҳимдир.

Ремонт қилинган ва йиғиб тахт қилиб қўйилган плуглар контроль майдончада қабул қилинади. Прапецейдаль тишларнинг тиғи ёки исканасимон тишлар учи ва дала тахтасининг таги контроль майдончага тегиб туриши керак. Тишларнинг учлари ўртасидаги оралиқ бир хил бўлиши ва бир-биридан фарқи 25 миллиметрдан ошмаслиги шарт. Тупроқ ағдаргичлар билан тишнинг ўйиқлари битта вертикаль сатҳда жойлашган бўлиши лозим. Тупроқ ағдаргичдаги ўйиқнинг устки нуқтаси эгат томонга қараб кўпи билан 10 миллиметр оғиб туришига йўл қўйилади. Тишларнинг учлари билан таглари бир тўғри чизиқ устида ётиши ва улар ўртасидаги фарқ 5 миллиметрдан ошмаслиги керак.

Чимқирқар тишларнинг тиғлари майдончага параллель ҳолатдаги бир текислик устида, чимқирқарларнинг асосий корпусининг ўйиқлари вертикаль текислик устида жойлашган бўлади. Оғиш дала томонга қараб кўпи билан 10 миллиметр бўлишига йўл қўйилади. Тишлар билан таянч сатҳ ўртасидаги транспорт оралиғининг камида 170 миллиметр бўлишига йўл қўйилади. Корпуслар ва подшипниклар бириктирилган жойларда раманинг чизиқлари 5 миллиметрдан ортиқ букилмаслиги керак, бошқа жойларда эса 10 миллиметргача букилишга йўл қўйилади. Рама чизиқларининг тўғри ва параллель бўлишига эътибор бериш зарур. Бу кўрсаткичларнинг нормадан 5 миллиметр ортиқ ёки кам бўлишига йўл қўйилади. Гилдирак тегирчакларининг 5 миллиметрдан ортиқ эгилган бўлишига йўл қўйилмайди. спицлар эса 6 миллиметр доирасида эгилган бўлиши мумкин. Гилдиракларнинг ўққа урилиши 10 миллиметрдан, радиус бўйлаб урилиши эса 8 миллиметрдан ошмаслиги зарур. Тиш тиғининг қалинлиги 5 миллиметрдан ортиқ бўлмаслиги керак. Тиғни 25—40 градус бурчак билан ўткирланади, тиғ даминнинг эни 5—7 миллиметр, тобланиш эни тиш тиғининг бутун бўйига қараб 25—40 миллиметр бўлади. Чимқирқар тиши тиғининг тобланиш зонаси — 25—30 миллиметрга тенг.

«Зиг-заг» типидаги бороналарнинг тишлари қиррали томони олдинга қилиниб, борона рамасига мустаҳкам ўрнатилади, гайкалар шайбалар ёрдамида маҳкамланади. Ҳар бир боронага илгаклар ўрнатилади.

Ер текислагич асбобни ремонт қилишда биринчи навбатда мивротекислаш учун энг қулай оддий ва кенг тарқалган асбоб бўлмиш мола тайёр қилиниши керак. Шундан кейин «КЗУ-0,3» ва «ПР-5» маркали ер текислагичлар тахт қилинади: эски бурчак ва шволлерлар ингисига алмаштирилади. Болтлар ва прицепнинг маҳкамлиги текшириб кўрилади. Зарур бўлган тақдирда кўндаланг ва узунчоқ брусслар тўғрилаб қўйилади.

«СКГХ-4-6» сеялкасини тайёрлашда автоматнинг нуқсонли ёки нуқсонсиз ишлашига ҳамда трактор прицеп-механизмининг мустаҳкам бириктирилганига алоҳида эътибор бериш зарур. «СТВХ-4» сеялкани 3 нуқтали осма система ҳамда НКУ-4-6А культиваторидан олинган кўтарма механизм билан таъминланган Т-28Х маркали тракторга осиб ўрнатилади. Сеялкани осиб ўрнатиш учун тракторнинг юргизувчи гилдиракларига баллонлар киндирниш лозим. Уларнинг 11×38 каталикда бўлгани маъқулроқдир.

Техникавий жиҳатдан нуқсонсиз бўлган сеялкалар қуйидаги талабларга жавоб бермоғи лозим: рама деталлари букилмаган, бириктириш жойлари қаттиқ ва маҳкам бўлиши керак. Рамани диагоналлар бўйича ўлчаб кўрганда диагоналларнинг узунлиги 10—15 миллиметрдан ошмайди. Гилдирак тегирчагининг ўқ йўналишидаги урилиши 7 миллиметрдан, радиус бўйлаб урилиши 5 миллиметрдан ортиқ бўлмайди. Тирғак чеккаларини, загортачларни ва прикаткаларнч узун ўққа нисбатан симметрик ҳолатда жойлаштириш зарур; тирғак чеккаларининг бу нормадан 3 миллиметр загортач ва прикаткаларнинг 5 миллиметр четга чиқишига йўл қўйилади. Тиргакни осиб ўрнатиш механизмининг қисмлари шарнирларда эркин айланиб турадиган бўлиши жуда муҳимдир; тирғакларнинг ҳолати (учидан ўлчаганда) 5—10 миллиметрдан ортиқ четга чиқмаслиги керак. Тирғакларни юқорига кўтариш ёки пастга тушириш вақтида параллель текис бўйлаб силжитилади.

Прикаткалар эркин ҳолда айланиб туради; прикатка штири билан втулкасининг тирқиши бирга қўшилиб бир миллиметрдан ошмаслиги керак; прикаткаларнинг ташқи сатҳи тўғри шаклли бўлиб, эзилган ёки ёрилгач жойлари бўлмаслиги шарт. Рема сими яхлит, буралмаган тирғаклар яхши биркитилган, симнинг учлари иккита махсус шайба ва М6×15 винт ёрдамида уланган бўлиши керак. Экувчи аппаратлардаги айланувчи қисмлар эркин ҳолатда айланадиган ва бешикаст, уруғни итқитиб ва тупроқни ёриб берувчи қисмлар яхши ишлайдиган бўлиши лозим.

Янги сеялкаларда уруғни итқитиб ва тупроқни ёриб берувчи қисмларнинг пачоқланган бўлмаслигига, аппарат ичидаги деталларга бўёқ оқиб тушмаган бўлишига алоҳида эътибор бериш керак. Втулка-роликли занжирларни чангсимон графит аралаштирилган автолда қайнатиб, сўнгра устки томонини қўпқуруқ қилиб артиб чиқиш зарур. Втулка-роликни занжирларнинг илгаклари маҳкам ўрнатилган ва тўғри жойланган бўлиши керак. Штивтлар очиб қўйилгандан кейин илгаклар бемалол айланаверадиган бўлади; қатор оралари 50, 45 ва 60 сантиметр бўлганда илгак шаррларининг ўқлари ўртасидаги оралиқ 492, 125, 539, 75 ва 587, 375 миллиметрга тенг бўлади.

Сеялкаларни тайёрлаётган вақтда конуссимон шестерняларнинг, ҳаракатлантирувчи ўқдаги ҳимоя муфтасининг, тарангловчи юлдузчалар ўқларининг, тирғак кронштейнлари ва окучникларнинг, стопор гилдиракларининг, маркёр дисклари ўқларининг, кўтарма механизм ва сеялка прицепнинг қандай бириктирилганлигини текширишга алоҳида эътибор бериш зарур. Бундан ташқари кўчма қозиқларни тўғриловчи ва ташиб юрувчи механизмларни ҳамда динамометрларни ҳам ремонт қилиш лозим. Кўчма қозиқлар нуқсонсиз бўлганда гормоз барабанидаги сим доимо таранг тортилиб чиқади. Барабан марказий ўқ теварагидаги трубкада эркин айланадиган. ўқ сабачкаси эркин ҳолатда туриши ва ўз вазни таъсирида осонгина бурилиадиган бўлиши керак. Барабан чамбараги устига чекловчи планкани шундай ўрнатиш лозимки, унинг устига сим (шнур) фақат бир қатор бўлиб ўраладиган бўлсин. Сеялкани рема сими ёрдамида юргизиб камида бир ой обкатка қилиш (синаб кўриш) унинг далада нуқсонсиз ишлашининг асосий шартларидан биридир. Синаб кўриш вақтида экувчи аппаратларни юргизувчи системани, экиш пайти ва нормасини яхши белгилаб, тартибга солиш лозим.

Плугларнинг тупроқ ағдаргичларини, винтли механизмларни ишланган нагрол билан мойлаб қўйилади. Плуг транспорт ҳолатида сақланади. «Зиг-заг» бороналар вертикал ҳолатда ўрнатилади. Сеялка ва тракторларни бостирма тагида сақлаш лозим. Сеялкаларнинг ишчи органлари транспорт ҳолатида туриши керак. Сақланаётган вақтда ҳамма пружиналар бўшатиб қўйилган бўлиши лозим. Ишқаланадиган ва бўялмаган сатҳларни мойлаб қўйиш керак.

Ҳар бир экиш агрегатига тажрибали тракторчи, экувчи контролёр биркитиб қўйилиши зарур. Ҳозирги кунда уларни зўр бериб машқ қилдириш ва бунда кўчма қозиқлар ёрдамида экиш усулини пухта ўрганиб олишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Н. МИХАЙЛОВСКИЙ,
А. МАРТИНОВ,
САИМЭ илмий ходимлари.

ҲОСИЛНИ ЗАРАРКУНАНДА ВА КАСАЛЛИКЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНГ

☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆ ☆

ҒЎЗА, МАККАЖЎХОРИ ВА БЕДАНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛИШ КЕРАК

Ўргимчаккана, шира, трипс, кўсак қурти, карадрин каби зараркунандалар, шунингдек вертицилиоз ва фузариоз вильти, гоммоз, илдиз чириш касалликлари ғўзага катта зарар келтиради. Фитономус, беда канаси ва бошқа зараркунандалар ҳам беда ҳосилига путур етказади. Маккажўхорини шира, кўсак қурти, чангли ва пуффакли коракуя зарарлантиради.

Ҳосилга путур етказиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?

Баҳорнинг илиқ-иссиқ кунлари бошланишидан олдин қисқа муддат ичида куза тозаланмай қолиб кетган далаларни ғўзапоядан тозалаш, ёввойи ўтларнинг илдизлари ва ўсимлик қолдиқларини суғориб олиб, четга чиқариб ташлаш керак. Шудгорланмаган далаларни плуглар олдига пичоқ ўрнатиб 30 сантиметр чуқурликда ҳайдаш лозим. Марза ва ариқларни, йўл ва ариқ бўйларини, дарахт ва телеграф симёгочларининг атрофларини, дала чеккаларини чопиш ёки ҳайдаш зарур. Чунки бундай жойларда қишлоқ хўжалик зараркунандалари кўп бўлади.

Бедани фитономус билан зараланишдан ҳимоя қилиш учун февраль ойининг илиқ-иссиқ кунларида ҳамма бедапояларга гексахлораннинг 25 процентли дусти билан кимёвий ишлов берилади. Шу билан бир вақтда суперфосфат сепилади ва у бороналаш орқали тупроққа аралаштирилади. Дорини самолёт, трактор ёки от чанглагичлари ёрдамида сепиш йўли билан ҳам бедапояларни ишлаш мумкин. Бундай қилинса ер икки қайта бороналанади. Дори сепишнинг ҳамма кўринишларида ҳам бир гектар ерга 40 килограммдан гексахлоран сарфланади.

Ўтказилган текширишларда кўсак қурти бор бўлган участкаларда тупроққа (экиш арафасидаги бороналашдан олдин) органик-минерал ўғитлар аралаштирилган гексахлоран солиш керак. Бир гектар ерга 80 килограмм фосфор унига аралаштирилган 25 процентли гексахлоран сарфланади.

Илдиз чириши ва гоммоз касалликларига қарши чигит миснинг 25 процентли трихлорфеноляти (ТХФМ) ва 50 процентли тетраметилтиурамдисульфид (ТМТД) билан ишланади. Туғдирилантирилган чигитни ишлаш учун бошқача усул (намлаш усули) қўлланилади. Бунда чигитда фунгицид (ТМТД)нинг сақланиб қолишини таъминлаш учун бир тонна уруғликка селикат шираси ёшилган 6 килограмм ТХФМ ва 12 килограмм ТМТД сарфланади. Тукли чигитлар пахта тозалаш заводларида бир тонна уруғликка 7 килограмм ҳисобидан қуруқ ТХФМ сарфланиб ишланади. Чигитни колхоз ва совхозларда ишлаш учун ТХФМ га ТМТД қўшилади.

Чигит, ғўза ва маккажўхорининг ёш ниҳолларини кўсак қурти ва тупроқда яшовчи бошқа ҳашаротлар томонидан зарарланишининг олдини олиш учун экишдан олдин ҳамма уруғликлар гексахлораннинг 12 процентли дусти билан ишланиши (чангланиши) шарт. Чигитнинг бир гоннасига 40 килограмм, маккажўхори уруғлигига эса 20 килограмм дуст сарфланса бўлади.

Тут дарахтларининг барглари тўкилишидан олдин ёввойи ўтларни ва дарахт атрофларини 10 процентли карболинеум эритмаси билан кимёвий равишда ишланади. Бунда бир гектарга ҳисоблаганда 1200 — 1500 литр, бир дарахтга ҳисоблаганда 5 — 7 литр карболинеум эритмаси сарфланади. Комсток қурти тарқалган районларда эса дорини сарфлаш бир дарахтга ҳисоблаганда 20 литрга кўпайтирилади.

Апрель ойининг охирида — чигит ердан униб чиқабошлаганда ёввойи ўтларни иккинчи марта дорилаш зарур. Бу вақтга келиб ўргимчаккана, шира ва трипслар муддатларда қатор профилактик тадбирларни ўтказиш керак.

Боғларда. Ҳозирги пайтда зараркунанда ва касалликлар таъсирида қуриб қолган дарахтларни тag-туги билан ковлаб олиб, боғдан четга чиқариб ёқиб ташлаш керак.

Пўстлоқхўр, шчитовка, ипак қуртларидан зарарланган, тухум қўйиладиган ҳалқасимон тешиклар бўлган ва шира таъсирида касалланиб, қуриб қолган шохлар кесиб олиниши ва ёқиб ташланиши зарур. Шундан кейин дарахтнинг кесилган ва яра-чақа бўлган жойлари дизенфекция қилинади ҳамда боғ учун тайёрланган суюқлиги пуркалади. Ўрик қурти ёки ложношчитовка борлиги аниқланган тақдирда эса ИСОни карболинеумнинг 8 процентли эритмаси билан алмаштириш мумкин.

Дарахтларга қўйилган тирговучларнинг пўстини шилиб олиш ва поясини дизенфекциялаш зарур. Ҳосил сақланадиган хоналарга капаланларни киритмаслик учун эшик-деразаларга, вентиляция трубаларининг оғзига металл сеткалар тутиш керак.

Узумзорларда. Тошлоқ ва ерости сувлари узоқ бўлган ерларни ҳайдаш, ўғитлаш ва икки-уч марта суғориш зарур.

Агар куза ойдиум ва каналарга қарши кимёвий тадбирлар ўтказилмаган бўлса, баҳорда навдалар уйғонгач, токларга 5 градусли ИСО ёки темир купоросининг 6— 8 процентли суюқ қоришмаси ёхуд карболинеум эритмаси пуркалади.

Ўсиб чиққан кўзлар мавжуд бўлган тақдирда дозировка бир градусли ИСО ва 2 процентли карболинеум эритмасигача пасайтирилади.

Хлороз (барг сарғайиши) касаллигига дучор бўлган токлар эрта баҳорда атрофига 2 килограмм олтингугурт ёки 200 грамм мис купороси солиб ишланади. Бу дорилар ток атрофидаги ариқчага солинади. Кейин унинг устига сув қуйиб тупроқ билан кўмиб қўйилади.

Токларга бактериал рак катта зарар етказади. Токнинг зарарланган (шишиб чиққан) қисмини кесиб олиб, дарҳол ёқиб ташлаш зарур. Агар касаллик энди бошланаётган бўлса шишиб чиққан жойларнинг ўзинигина кесиб ташлаш кифоя қилади. Кесилган жойларнинг ўрнига эса мис купоросининг 5 процентли эритмасига қорилган лой чаплаб қўйилади. Ишлатилган асбоб-анжомлар формалининг 5 процентли суюқ эритмаси билан дизенфекцияланади.

Парник ва сабзавот сақланадиган хоналарда. Маҳсус тайёрланган хоналарда сабзавот маҳсулотларининг бузилишига йўл қўймаслик учун етарли шароит (ҳарорат, намлик ва ҳоказо) яратилиши керак. Хонани вақти-вақти билан шамоллатиб туриш. уруғлик картошка, пиёз, илдиз мевали экинлар маҳсулоти ва бошқаларни танлаб олиш ҳамда қуритиш зарур.

Гўнгни парникларга солишдан олдин уни албатта зарарсизлантириш керак. Парникларнинг рамлари хлорли оҳакнинг суюқ эритмаси билан дизенфекция қилинади. Бунда 12 литр сувга 400 граммдан оҳак солинади.

Карам ва помидор уруғларини экиш олдидан гранозан билан дорилаш керак. Бунда 1 килограмм уруққа 3 грамм ҳисобидан гранозан сарфланади.

Профилактик тадбирларни ўз вақтида ўтказиш — касаллик келтирувчилар ва зараркунандаларни кескин камайтиришнинг, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим гаровидир.

Ф. УСПЕНСКИЙ,
биология фанлари кандидати,
Е. СОБОЛЕВА,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати,
С. БОНДАРЕНКО,
Тошкент область ўсимликларни ҳимоя қилиш станциясининг директори.

Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни ҳозирдан бошлаш керак. ОДН, қўл аппаратлари яхши созланган бўлсин! Марзалардаги, йўл чеккаларидаги, суғориш шохобчалари бўйларидаги бегона ўтларни илдизи билан йўқ қилиб ташласак, зараркунандаларни уялари билан қириб ташлаган бўламиз. Пахтадан, қишлоқ хўжалигининг бошқа экинларидан юқори ҳосил етиштириш учун курашаётган азамат деҳқонлар, зараркунандаларга ва экиндар касаллигига қарши курашни кучайтирингиз!

ЕРНИ ЭРТА БАҲОРДА БОРОНАЛАШ НИМА ЎЧУН ЗАРУР

Маълумки, кўпинча куза шудгор қилинган участкаларнинг тупроғи қишда бўш бўлиб туради. Шунинг учун кузги-қишки муддатдаги ёғингарчиликлар тупроққа яхши сингади ва ерда жуда кўп миқдорда нам тўпланади.

Ҳайдалган ердаги муштлашиб, юмалоқ-юмалоқ бўлиб қолган тупроқ қишда музлаш ва эришнинг таъсири остида емирилади. Эрта баҳорда тупроқнинг юзаси тептекис бўлиб туради. Агар тегишли тадбирлар амалга оширилмаса, тупроқнинг қурийбошлаши натижасида ер юзасида қатқалоқ пайдо бўлади. Оқибатда тупроқда жуда ингичка тешикчалар (капиллярлар) ҳосил бўлади. Бу тешикчалар орқали бутун қиш давомида тўпланган нам юқорига кўтарилади ва тезда буғланиб кетади.

Буғланиш жараёни шундай актив равишда ўтадики, кузги-қишки муддатда тупроққа сингиган сувнинг ҳаммаси 2—3 кундаёқ буғланиб кетиши мумкин.

Бундай ярамас ҳолларнинг олдини олиш мумкин. Бунинг учун эрта қўклам келиши биланоқ шудгорлаб қўйилган далаларни тезлик билан тишли «зиг-заг» бороналари ёрдамида 1 ёки 2 марта қисқа муддатда бороналаш зарур. Бунда ернинг ҳолатига қараб иш кўрилади.

Эрта баҳорги бороналаш тупроқнинг ҳайдалган бутун қатлами етилганида эмас, балки фақат юзаси етилганида ўтказилиши керак. Шунинг учун бороналашда ўрмаловчи трактордан фойдаланиш керак. Чунки бундай тракторлар гилдиракли тракторларга нисбатан ерга кам ботиб юради.

Эрта баҳорги бороналаш ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказилса қатқалоқ пайдо бўлмайди. Ер юзасидаги капиллярлар бекиладн. Натижада тупроқда тўпланган нам буғланиб кетмайди.

Эрта баҳорги бороналаш ёввойи ўсимликларни камайтиришда ҳам катта роль ўйнайди. Бороналарнинг тишлари ернинг юзасидаги ёввойи ўтларни юлиб илдиз поясларини ва новдаларини ер бетига чиқариб ташлайди.

Ўзбекистонда экиб ўстирилаётган пахта навлари ўрта-кечпишар навлар группасига киради. Бундай навли чигитларнинг ердан униб чиқишидан токи кўсакларнинг очилишигача 145—147 кун вақт ўтади Кўп йиллик маълумотларга қараганда ғўзани кузда биринчи марта ўрт. ҳисобда 15—20 октябрда совуқ уради. Ғўза ўз биологик хусусиятига кўра кўпйиллик ўсимликдир. У бутун вегетацион муддат давомида — ҳосил элементлари пайдо бўлабошлаганидан токи кузги совуқ ургунига қадар гуллайди ва ҳосил тугади. Мана шунга асосланиб айтиш мумкинки, вегетацион муддатни иложи борича кўпроққа чўзиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Бунга эрта баҳорда ўтказиладиган бороналаш орқали эришиш мумкин. Чунки чигит нам тупроққа экилса, тез униб чиқади ва шундай қилиб вегетацион муддат сунъий равишда чўзилади.

Ҳар хил сабабларга кўра куз палласида шудгор қилинмаган участкаларни ҳам эрта баҳорда бороналаш катта аҳамиятга эгадир.

Бороналаш фақат экишгача бўлган вақтда ва экиш арафасида ўтказилмайди. У айрим қишлоқ хўжалик экиндарини парвариш қилаётганда ҳам фойдали бўлади.

Масалан, эрта баҳорги бороналаш эски бедапояларда ўтказилиши керак. Эски бедапояларнинг тупроғи қишда зичлашиб қолади. Натижада ерга сув ва ҳавонинг ўтиши қийинлашади. Мана шунинг учун ҳам эски бедапояларни эрта баҳорда бороналаш фойдалидир. Бу тадбир беданинг поялари ўсиб чиқишидан олдин, тупроққа сув ва ҳавонинг ўтишини яхшилаш учун зарур. Эрта баҳорги бороналашдан олдин бедапояларга фосфорли нордон ўғитлар солинади. Бундай ўғитлар бедапоянн дискалашдан олдин солинса яна ҳам яхши бўлади.

Агар эрта баҳорги бороналаш икки марта ўтказилса, беда уругидан жуда юқори ҳосил олиш мумкин. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг маълумотларига қараганда, эрта баҳорги бороналаш ўтказилган далаларда биринчи ўримдан олдин беда уруғи гектар бошига 7.22 центнерни ташкил этган. Эрт. баҳорги бороналаш ўтказилмаган майдонларда эса беда уругининг ҳосилдорлиги 5.32 центнерни ташкил этган. Бошқача қилиб айтганда ҳосилдорлик 35 процентга камайган. Уруғ олиш учун ажратилган бедапоялар иккинчи ўримдан олдин бороналанса, уругнинг ҳосилдорлиги 16,2 — 21,6 процентга ошади. Бороналанган бедапоялардан биринчи ўрим пайтида олинган беда уругининг вазни бороналанмаган бедапояларникига нисбатан анча оғир бўлган.

Куза буғдой экилган далмикор ерларни эрта баҳорда бороналаш ҳам жуда фойдалидир. Галла экилган майдоннинг тупроғи қишда зичлашади. Агар эрта баҳорда бороналаш ўтказилмаса қатқалоқ ҳосил бўлади ва ўсимлик суст ривожланади. Эрта баҳорги бороналаш сифатли ўтказилса, кузги экиндларнинг ривожланиш шароитлари анча яхшиланади. Бу эса ҳосилдорликнинг ошишига олиб келади. Илмий-текшириш муассасаларининг маълумотларига кўра куза экин экилган майдонларни эрта баҳорда бороналаш ҳосилдорликни 30 процент оширади.

Қишлоқ хўжалиги илғорларининг тажрибаси баҳорикор галла экилган ерларни бороналаш ҳам катта фойда беришини кўрсатаяпти. Бунда бороналашнинг муддатлари айниқса, катта аҳамиятга эгадир. Бу тадбирни тупроқ жуда нам бўлганида ёки жуда қуриб кетганида ўтказмаслик керак. Агар тупроқ жуда нам бўлса агрегат ерга ботади ва чуқур из қолдиради. Агар тупроқ жуда қуриб кетган бўлса, ер бўлакларга бўлиниб ёрилади ва ўсимликка зарар етади. Тупроқ яхши етилгани тақдирдагина бороналашни бошлаш керак. Баҳорикор галла экилган майдонларни ўсимлик униб чиқаётган пайтда бороналаш тавсия этилмайди. Ўсимлик новда отиш даврига киргунидагина бороналашни ўтказиш зарур. Галла экилган майдонлар кўндаланг қаторлар бўйлаб бороналаниши зарур.

Областимизнинг ҳамма хўжаликларида эрта баҳорги бороналашни агротехник муддатларда ўтказишга эришиш лозим.

Р. ТОМАШЕВСКИЙ, Э. ЗАУРОВ, А. КОЛДАЕВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари.

Фашистлар қутирмоқда ❁ Прогрессив инсонят Кубага ҳайрихох ❁ *БАРда жосуслар қўлга тушди*

Халқаро аҳвол

НЕГА ФРАНЦИЯДА БОМБАЛАР ПОРТЛАМОҚДА

Франция ва Жазоирда ҳар куни ўнлаб бомбалар портламоқда. Кишиларнинг қони тўкилмоқда, аҳоли террор қилинаётир. Амалда мамлакатда гражданлар уруши хавфи туғилмоқда. Маҳфий қуролли ташкилот (ОАС)нинг қотил қароқчилари демократик ташкилотлар биноларига, кўзга кўринган прогрессив арбоблларга ҳужум қилмоқдалар. Мамлакатда осойишталикни сақлаш зиммасига юклатилган полиция бу воқеалар олдида тамошабин бўлиб турибди. Демократик ташкилотлар фашизмга зарба беришга отланганларида эса полиция таёқчаларини ишга солади, фашизмга қарши манифестация қатнашчиларини қамоққа олади.

Ўтган йили худди шундай бўлган эди. Бундай аҳвол бу йил ҳам бир неча бор такрорланди. «Худди Франциядагига ўхшаб. Жазоирда ҳам,— деб ёзади «Нью-Йорк геральд трибюн» газетаси,—кучларни янгидан синаб кўришга тайёргарлик кетмоқда. Бу куч синаш шундай шиддатли бўладики, бунинг олдида илгаригиси шунчаки бир муқаддима бўлиб қолади».

МАМЛАКАТДА НИМАЛАР БЎЛАЁТИР

Бу саволга жавобни мамлакатнинг ҳозирги аҳволидан эмас, балки яқин ўтмишидан қидириш керак.

Бугунги Франция урушдан илгариги Францияга ўхшамайди, урушгача бу мамлакат жаҳон мустамлака империяси бўлиб, 70 миллиондан ортиқ қул француз буржуазиясининг гуллаб-яшнаши учун ўз пешона тери ва қонини тўкарди. Урушдан кейин маълум вақтгача Франция ўз мустамлакаларини сақлаб турди. Аммо 1947 йилдан бошлабоқ француз мустамлака империяси чок-чокидан сўкила бошлади. Сурия ва Ливан Франция василигидан чиқиб кетди. Ҳиндихитой қўзғолон кўтарди. Францияни Суэйш канали қирғоқларидан ҳайдаб юборишди. 1954 йилда эса Жазоирда уруш бошланди. Бу Африка паҳлавони бутун куч-қудрати билан курашга отланди. Шундай қилиб, француз империясидан ҳозир бир парчасигина қолди.

Мустамлакачилик кризиси ниҳоятда кескиндашган, бирининг ўрнига иккинчиси келиб турган француз ҳукумати одатдаги воситалар билан монополистик буржуазия ҳукмронлигини таъминлаш ва исён кўтарган мустамлакаларни сақлаб қолишни уддасидан чиқолмай турган бир пайтда мамлакатда давлат тўнтариши бўлди. Жазоирдаги исёндан сўнг, 1958 йил 13 майда генерал де Голлнинг ҳукумати ҳокимият тепасига келди. Янги режим «шахсий ҳокимият» режими номини олди. Парламент ва демократик институтларнинг роли ниҳоятда чегаралаб қўйилди.

1958 йилда француз халқига янги ҳокимият Жазоирдаги урушга барҳам беради, минглаб солдатлар уйларига қайтиб, тинч меҳнат билан шуғулланадилар деб ваъда қилинди. Аммо ваъда бажарилмади. Уруш давом этмоқда ва ҳали ҳам охири кўринмайди.

1958 йилда французларга Франция халқаро майдонда буюк давлат сифатида ўз мавқеини тиклаб олади, деб ваъда беришди. Бу ваъда ҳам бажарилмади. Франция ҳукуматининг эришган нарсаси шу бўлдики, мамлакат Бонн милитарист давлатининг гилдирагига маҳкам чандиб, бойлаб қўйилди. Ҳозир Франция Ғарбий Германия реваншистларининг ҳамма талабларини итоаткорлик билан бажармоқда. АҚШ президенти Кенненди Бермуд оролларида Англия бош министри Макмиллан билан учрашади-да, кейин у Вашингтонда Бонн ҳукуматининг бошлиғи Аденауэр билан суҳбатлашади. Бу учрашувлар вақтида ғарбнинг стратегияси ҳал этилади. Ҳал этилганда ҳам генерал де Голлсиз ҳал этилади. Шундай қилиб, Франция халқаро майдонда яккаланиб қолди.

Сўнгги вақтларда Коммунистик партиянинг таъсири ошди, шахсий ҳокимият режимини қўллаб-қувватловчи партияларнинг эса обрўси тушиб кетди. Бу 1961 йил апрелида Жазоирда рўй берган навбатдаги исёнда айниқса иққол кўринди. Ўша маҳалда Жазоирда ҳокимиятни босиб олган исёнчи генераллар Шаль, Салан, Фор ва бошқалар ҳукуматга ўз шартларини ўтказдиришга тайёрланиб турганларида, рўпараларида ўзларига қарши француз халқи турганини бирдан кўриб қолдилар. Исёнчиларни мамлакат тупроғига қўндирмаслик учун Парижнинг минглаб ишчилари Орли ва Бурже аэродромларига йўл олдилар. Жазоирнинг ўзида эса яқиндагина шинель кийган оддий француз йигитлари исёнчиларни қўллаб-қувватлашдан бош тортдилар. Меҳнаткашлар фашизмга зарба бериш учун уюшқоқлик кўрсатдилар.

Халқ фронтининг шарпаси, яъни барча антифашист кучларнинг бирлашиши исёнчиларни тезда таслим бўлишга мажбур қилди. Исён бор-йўғи уч кун давом этди. Айрим иккинчи даражали шахслар қамоққа олинди, бунинг устига уларга нисбатан шундай енгил чоралар кўрилдики, француз жамоатчилиги бу чораларни майнавозлик деб баҳолади. Исёнчиларнинг асосий қисми ҳатто армия сафидан чиқариб юборилмади ҳам. Уларга: расмий ҳокимият Жазоир масаласини ҳал этишини жимгина кутиб ўтиринглар, дейилди. Бироқ исёнчилар жим ўтиришдан бош тортдилар.

Шундай қилиб ОАС дунёга келди. Маҳфий қуролли ташкилотнинг асосий ядроси Жазоирда жойлашган, лекин у ўз хатти-ҳаракатлари билан Францияни террор қилмоқда.

ФАШИСТ КАЛЛАКЕСАРЛАРИ ТЎДАСИ

ОАСнинг ўзи нима? Унинг мақсадлари қандай?

«Жазоирлик фитначиларнинг 1961 йил апрелгача бўлган хатолари шундан иборат эдики,—деб ёзади машҳур француз публицисти Морис Дюверже,— улар Жанубий Америкача ҳарбий тўнтариш методларини Францияда ҳам татбиқ этиш мумкин деб ўйладилар. Бутун армия кетларидан эргашмаслигига ва ўзларига нисбатан душманчилик кайфиятида бўлган мамлакат ичкарисида уринишлари барбод бўлишига фитначилар кўп ўтмай ишонч ҳосил қилишди».

Француз матбуотининг хабарига қараганда, ОАС асосий ядроси собиқ эсэсчилар, армиядан қочганлар, ашаддий жиноятчилар ва бошқа қаланги-қасангилардан иборат ёлланган каллакесарлар ва ур-йиқитчилардан иборат маҳфий ҳарбий ташкилотдир. ОАСга амали пасайтирилган генераллар ва офицерлар ҳамда ҳийли реакцион снёсий арбоблар раҳбарлик қилаётирлар. «Монд» газетасининг ёзишига қараганда, бу террорчилик ташкилотининг сони Жазоирда 1500 кишига ҳам етмайди. Уларнинг миқдори Францияда ҳам ҳойнаҳой шунча бўлса керак.

Жазоирда ОАС Европа мустамлакачилари томонидан тузилган 10—15 минг кишилик қуролли отрядларнинг қўмагида суянади. Францияда-чи? Инглиз газетаси «Санди телеграф»нинг хабар беришига қараганда, Париж полициясининг хизматчиларидан 15 процентги, юқори мансабдаги офицерлар «террорчилик ташкилоти ОАСнинг мақсадларига хайрихоҳлик билдиради».

Француз ҳукмдорлари ҳужакўрсинга ОАСчиларга қарши бригадалар тузадилар. Мана, улар террорчиларга қарши қандай курашмоқдалар. «Бригадалар,—деб ёзади француз ҳафталиги «Экспресс»,—бир кўзли паҳлавонга ўхшайди. Улар зарба берадилар-у, лекин кўр-кўрона ҳаракат қиладилар. Зарбалари ҳаваога учиб кетади...»

ОАСнинг программаси борми? Бу ҳақда ОАСнинг актив арбобларидан бири собиқ генерал Гарди ўзининг Жазоир легионерларига ёзган хатида бундай дейди: «Бизларнинг мендан ОАСнинг сиёсий доктринасини тушунтириб бериш ва кураш муваффақиятга эришган тақдирда... келажакда бунёдга келиши эҳтимол бўлган снёсий тузилиш тўғрисида фикр айтишимни сўрайсиз. Мен снёсат билан шуғулланмайман. Лекин бу, мен снёсатга қизиқмайман деганим эмас...». У давом этиб, «кучли Франция ва унга муносиб армиянинг тикланиши» тўғрисида гапириб шундай дейди: «Ўз-ўзидан маълумки, коммунистик хавфга қарши кураш Жазоирда ҳам, метрополияда ҳам энг биринчи заруриятдир».

Шундай қилиб ОАСнинг ҳеч қандай алоҳида программаси йўқ. Аммо унинг мақсадлари аниқ. Бу мақсадлар мамлакатда ҳарбий-фашистик диктатура ўрнатиш, ишчи ташкилотларидан ўч олиш, ўз мустақиллиги учун курашаётган халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини бостиришдан иборатдир.

Француз халқи кўпчилигининг тазйиқи билан генерал де Голль 1959 йил сентябрида Жазоир халқининг ўз ҳуқуқини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олишга мажбур бўлди. Лекин бу фақат найранг эди. Агар ҳукумат ҳақиқатан ҳам Жазоирдаги урушни тўхтатмоқчи бўлса, бунга ОАС албатта қаршилик кўрсата олмас эди. Бу террорчилик ташкилоти ўзини қанчалар ниқобламасин, у монополияларга қанчалар суянмасин, агар ҳокимият хоҳласа ОАСни бир неча кундаёқ тор-мор келтиради.

ҲУКМРОН ДОИРАЛАР ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМОҚДА

Нега француз ҳукмдорлари террорчилик фаолияти билан ҳукуматнинг ўзига ҳам реал хавф туғдираётган, қутуриб кетган фашист муттаҳамларига нисбатан бунчалар келишувчилик қилмоқда?

Гап шундаки, ОАСнинг кўпгина бошлиқлари ва айниқса улар орқасида турганлар ҳозирги Франциянинг айрим юқори лавозимли арбоблари билан мустаҳкам алоқададирлар. ОАСнинг фаолиятидан ҳукмдорларнинг ўзлари ҳам маълум даражада манфаатдордирлар. ОАС мавжуд бўлган шароитда президент де Голль ўзига хос «марказ» мавқеида бўлади. У ўзини ҳам коммунистларга, ҳам «экстремистлар»га қарши курашувчи қилиб кўрсатмоқчи. Амалда эса ҳукумат зарбани компартия ва унинг иттифоқчиларига қаратиб, ўзини террорчилар ва Жазоирда урушни давом эттирувчилар тарафдори сифатида фош қилиб қўймоқда.

Бундай аҳвол ОАСга маълум даражада куч бағишламоқда. ОАС сўнгги пайтларда ўзининг асосий зарбасини компартияга қаратмоқда. Коммунистик партия Марказий Комитетининг Парижда ги биносига яқинда қилинган ҳужум, провинциялардаги коммунистик партия федерацияларига атака қилиш, француз коммунистик партиясининг раҳбарлари Морис Торез ва Раймон Гюйоннинг ҳаётларига қилинган суиқасд шундан далолат беради.

Ҳукмдорлар ОАСнинг коммунистик партия раҳбарлари ва активларига суиқасд қилишларига қаршилик кўрсатмаётирлар. Антикоммунизм Франциядаги ҳозирги режимнинг ҳукмрон белгиси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда. Лекин очиқдан-очиқ антикоммунистик чиқишларни рағбатлантириш йўлига ўтиб, бу режим ўт билан ўйнашмоқда. Ҳукмдорлар қароқчи ва террорчиларга қарши курашмай, мамлакатни гражданлар урушига сургамоқдалар.

«ФАШИЗМГА ЙЎЛ ЙЎҚ!»

Урушдан илгарги йилларда Италия ва Францияда содир бўлган воқеанинг ҳозирги замонамизда Францияда рўй бериши мумкин эмас. Франция Коммунистик партияси сотқинлар ва нифоқчиларнинг найрангларини кескин фош этмоқда ва миллатнинг ҳамма соғлом кучларини фашизмга қарши сафарбар қилмоқда. Коммунистик партиянинг ОАС қотиллари ва унинг илҳомчиларини зарарсизлантириш; армия, полиция ва маъмуриятни тозалаш; ҳамма ишчилар ва демократик ташкилотларга фашистлар ҳужумидан ҳимоя қилишнинг барча воситаларидан фойдаланиш имконини бериш каби шиорлари халқ оммаси орасида борган сари кенг қўллаб-қувватланмоқда. Яқинда 31 демократик ташкилот, шу жумладан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи Лига, собиқ қувғин қилинган шахслар Ассоциацияси ва бошқа ташкилотлар, ОАСга қарши қатъий курашишни талаб қилиб чиқдилар. Коммунистик партия ташкилотларининг кўпгина департаментларида социалистлар ва демократлар билан ҳамкорликда ягона манифестациялар ўтказилмоқда, ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядлари ташкил қилинмоқда.

Франция Коммунистик партияси фашизмга ва шахсий ҳокимият режимига қарши курашда халқ оммасини бирлашишга чақирмоқда. Фақат халқ кучлари бирлашиб курашгандагина фашистларни яккалаб қўйиш ва маглубиятга учратиш мумкин.

Гражданлар урушининг олдини олиш ва мамлакатда тартибни тиклаш мақсадида, дейилади ФКП Снёсий бюросининг 1962 йил 8 февралда эълон қилинган баёнотида, ҳамма меҳнаткашлар, бутун республикачилар демократияни тиклаш ва янгилаш учун бирлашишлари керак.

Фашизм хавфига жавобан француз халқининг кўпчилиги қатъий равишда «Фашизмга йўл йўқ!» демоқда. Миллатнинг соғлом кучлари фашизмга қарши кучларнинг авангарди — Франция Коммунистик партияси атрофига борган сари мустаҳкам жипслашмоқда, бу партиянинг таъсири тўхтовсиз ўсаётир. Франция халқи фашизм йўлини тўсиш, мустамлака уруши ва фашизм ҳамда реакциянинг уяси бўлган диктаторлик режимига барҳам беришга қатъий бел боғлаган.

П. ЕФИМОВ.

Доминикан Республикасидаги аҳволга доир. Суратда: жангчилар америкача диктатурага қарши чиққан ватанпарвар-маҳбусни олиб боришмоқда.

Сурат инглиз «Сфир» журналидан олинган.

НАТО ЖОСУСЛАРИ ФОШ ҚИЛИНДИ

ҚОҲИРА, 19 февраль. (ТАСС). Бирлашган Араб Республикасининг давлат хавфсизлик органлари ўтган йил апрель ойида Исроил фойдасига жосуслик қилган 13 кишини қамоққа олганликлари расмий суратда эълон қилинди.

Бирлашган Араб Республикасининг давлат хавфсизлик органлари Спиридон Скифис бошчилигидаги группани фош қилувчи материалларни кеча эълон қилдилар. Етти кишидан иборат бу группа Искандарияда жойлашиб олиб, Бирлашган Араб Республикасида НАТО фойдасига жосуслик ишлари билан шуғулланган. Спиридон Скифис сўроқ вақтида НАТОнинг агенти сифатида Бирлашган Араб Республикасининг қуролли кучлари тўғрисида махфий маълумотлар етказиб беришни лозим эканлигини айтди.

Спиридон Скифис ўз укаси Антонининг 1959 йил июнь ойидан буён НАТО агенти сифатида ишлаб келганлигига ҳам иқрор бўлди. Антон Бирлашган Араб Республикасининг ҳарбий денгиз флоти тўғрисидаги жосуслик маълумотларини НАТО органларига топшириб келган.

КУБА РЕВОЛЮЦИЯСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА

ВАРШАВА, 19 февраль. (ТАСС). Польша жамоатчилиги Совет ҳукуматининг Куба масаласи ҳақидаги баёнотини зўр мамнуният билан кутиб олди. Польша меҳнаткашлари АҚШнинг Кубага нисбатан агрессив режаларига қарши бошқа халқлар билан биргаликда норозилик билдирмоқдалар ва Куба халқини қўллаб-қувватламоқдалар.

Польшанинг ҳамма газеталари Совет ҳукуматининг Куба масаласи ҳақидаги баёнотини бугунги сонларида катта сарлавҳалар билан босиб чиқардилар:

«Совет Иттифоқи огоҳлантириб айтадики, Куба ёлғиз эмас. Куба СССРнинг ва жаҳондаги кўп дўстларининг ёрдами ҳамда қўллаб-қувватлашига ҳамиша умид боғлай олади», «АҚШнинг Кубага нисбатан сиёсати тинчликни ва халқаро осойишталикни жиддий хавф остида қолдиради», «СССР Куба халқига бундан буён ҳам ёрдам кўрсатаберади».

СОФИЯ, 19 февраль. (ТАСС). «Работническо дело» газетаси Совет ҳукумати баёнотининг батафсил мазмунини «Совет Иттифоқи Куба халқини қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлай беради» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди. Совет ҳукуматининг баёноти София радиоси орқали эшиттирилди.

ТИЗ ЧЎКТИРИШ МУМКИН ЭМАС

ЛОНДОН, 19 февраль. (ТАСС) АҚШдаги ҳукмрон доиралар Куба Республикасининг революцион ҳукуматига қарши ўзларининг иқтисодий санкция ва агрессив авантюралар сиёсатини ҳеч уялмай, сурбетлик билан давом эттириб келмоқдалар. АҚШдаги ҳукмрон доираларнинг ана шу хуружини Англиянинг ҳатто буржуа матбуоти ҳам қораламоқда. Таъсири зўр «Таймс» газетаси бугунги сонида Латин Америкасининг «Кастрога жуда ҳам мойил бўлмаган» мамлакатлари ҳам америкаликларнинг Куба ҳукуматини очиқдан-очиқ ағдариб ташлашни кўзда тутган ниятидан ғазабланмоқдалар, деб таъкидлайди.

Пунта-дель-Эстеда АҚШнинг тазйиқи билан Кубага қарши руҳдаги декларация қабул қилинганлигига тўхталиб, газета қўйидагиларни таъкидлайди: «Пунта-дель-Эсте кенгашидаги ҳисоб кўрсаткичлари қандай талқин қилинмасин, қатъада аҳолининг очиқдан-очиқ кўпчилигини ташкил қилаётган мамлакатларнинг ҳукуматлари бу декларацияни эътиборсиз қолдирдилар».

Газета редакцион мақоласида қуйидагиларни қайд қиладн: «Пунта-дель-Эсте кенгашида Латин Америкасининг бекарор ва тебраниб турувчи мамлакатларига тазйиқ кўрсатиш фойдадан кўра кўпроқ зарар етказди».

«Дейли телеграф» газетаси редакцион мақоласида ҳозирги вақтда АҚШ ҳукумати Куба билан ўз савдо-сотиғини тақиқлаш билан бирга НАТОдаги ўз шериклариви ҳам Куба билан савдо-сотиқ қилмасликка мажбур этиш йўлидаги уринишларини қоралайди. «Савдо-сотиқни шу тариқа тақиқлаш,— деб ёзади газета,— Кастро ҳукуматини тиз чўкишга мажбур эта олмайди».

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ АЪЗОЛАРИГА ТАРҚАТИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 февраль. (ТАСС). СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги вакиллиги Америка Қўшма Штатларининг Кубага нисбатан агрессив сиёсати тўғрисидаги масала юзасидан Совет ҳукуматининг 1962 йил 18 февралдаги баёнотини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоларига тарқатди.

ЛОМ-МИМ ДЕМАЯЛТИЛАР

ВАШИНГТОН. 19 февраль. (ТАСС). Америка матбуоти Қўшма Штатларнинг Кубага қарши янги агрессия тайёрлаётганлиги тўғрисида Совет ҳукумати баёнотининг мазмуни ҳақида лом-мим демасликка уринмоқда. Масалан, «Вашингтон пост энд таймс геральд» газетаси баёнот тўғрисида эълонлардан иборат 10-саҳифада кўзга кўринмайдиган жойда бор-йўғи 35 сатрлик хабар чиқарди. «Нью-Йорк таймс» газетаси ўзининг тўртинчи саҳифасида бундан сал каттароқ хабар босиб чиқарди.

ГОЛЛАНДИЯ ҒАРБИЙ ИРИАНГА ЎЗ ҚУШИНЛАРИНИ ЮБОРМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 19 февраль. (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг мухбири Токиодан қуйидагиларни хабар қилди: Голландиянинг «ЮМ» авиация транспорти компаниясига қарашли самолети кеча Голландиядан Токиога келди. Бу самолетда граждан киймини кийиб олган Голландия аскарлари бор. Самолет бир оз тўхтаб, ёнилғи қуйиб олганидан кейин Ғарбий Ирианга учиб кетди.

АФРИКА УЧУН ИҚТИСОДИЙ КОМИССИЯ СЕССИЯСИ

АДДИС-АБЕБА, 19 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Африка учун иқтисодий комиссиясининг тўртинчи сессияси очилди. Сессия ишларида комиссия аъзолари, бир қанча мамлакатлардан уюшган аъзолар ва кузатувчилар, шу жумладан СССРнинг Эфиопиядаги элчиси А. В. Будаков бошлиқ совет Иттифоқидан кузатувчилар делегацияси қатнашмоқда.

Сессия 3 мартгача давом этади.

550 МАРТА

1959 йил август ойида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг энг кучли парашютчилари Олмаотага тўпландилар. Ватанимиз моҳир спортчиларининг бу йирик мусобақасида Тошкентлик парашютчи Юрий Бесстрашнов ҳам биринчи марта иштирок этди.

...Спортчилар тушган «Як-18» спорт самолёти белгиланган баландликда парвоз қилиб бормоқда. Командир баландликни кўрсатувчи стрелкага яна бир кўз ташлади-да:

— Сакрашга ҳозирланинг!— деб команда берди. Спортчилар ўринларидан туриб парашют ленталарини такрор кўздан кечириб, жойларига ўтирдилар ва бир зум ўтмай биринчи-кетин ерга қараб шўнғий бошладилар. Эсиб турган шабада Юрийнинг белгиланган нуқтага тушишини оғирлаштирди. Лекин у нуқтадан кўзини узмай, парашют ипларини имкон борича тўғри бошқарди. Натижада Юрий белгиланган ерга жуда ҳам яқин тушиб, биринчи ўринни эгаллади. Юрийнинг бу 400-марта сакраши унга Ўрта Осиё ва Қозоғистон чемпиони ҳамда СССР спорт мастери унвонларини ҳадя қилди.

Юрий Бесстрашнов спорт маҳоратини ошира бориб, Ўзбекистон комсомоли номли республика аэроклубининг учувчилик курсини битирди ва учувчи-парашютчи инструктор деган гувоҳнома олди. Ўтган йили у республика обсолют чемпиони бўлди ва 1000 метр баландликдан сакраш бўйича Иттифоқимизда 3-ўринни эгаллади. Юрийнинг М. Жўраев, А. Шевердников, Ю. Борков, В. Сухарев каби биринчи разрядли парашютчи шогирдлари ҳам ўз устозларидек қувончли муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар.

Яқинда Америкада бўладиган VI жаҳон чемпионатида қатнашиш учун мамлакатимизнинг энг кучли спортчиларидан иборат 7 кишилик терма команда тузилди. Бу командага 550 марта парашютда сакраган ҳамшаҳримиз Юрий Бесстрашнов ҳам киритилган. У, жаҳон мусобақасида бошқалар билан бир қаторда мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қилади.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Суратда: Ю. Бесстрашнов. И. Зайнутдинов фотоси.

БУНДАЙЛАРГА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

САТҚАИ ПЕДАГОГ...

Казбек Азимбоевнинг ташқи қиёфасини кўрган киши ҳавас билан қадди-қомати келишган йигит экан, дейди. Ҳақиқатан у ҳали ёш, педагогика соҳасида олий маълумотли. Лекин унинг ташқи қиёфаси қиладиган ишларига бутунлай зиддир.

Бўстонлиқ районидаги Омонгелди номли 18-мактабга ўқитувчи бўлиб жойлашиб олгач, Азимбоевнинг қилиқлари чиқди. У болаларга фан асосларини ўргатиш ва яхши тарбия бериш ўрнига кўпроқ сохта обрў қозониш ва юлғучлик қилиш устида бош қотирди. Азимбоев турли «ариза» ва «маълумотлар» ёзишга уста эканлигини махтаниб гапиради. Ҳақиқатан у ёзма туҳматчиликка уста эканлигини кўрсатди. Райондаги кўпгина соф виждонли, ўз вазифасига садоқатли бўлган кишилар устидан анонимкалар ёзиб, у кўп ташкилотларни овора қилди, кишиларни чалғитди.

Казбек Хўжакент посёлка советига қарашли Қизилсув қишлоғида яшовчи аҳолига мурожаат қилиб, бу ерни обод этиш ишига бошчилик қиламан, деди. Қишлоқни обод қилиш ишларига сарфлаймиз деб у 99 та ҳонадондан 2175 сўм пул ҳам йиғиб олди. Кишилар кўп кутишди, лекин Азимбоев ободончилик ишига бош бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Виждони жиғилдонга айланган бу фирибгар йиғиб олинган пулни харжлаб, кайфу-сафо қилиб юраверди.

Азимбоевнинг атрофида шубҳали шахслар пайдо бўлиб, ўлфатчилик-ичкиликбозлик авжига чиқди. У умр йўлдоши Ўрингул Шоназарованн ҳам тинчитмади. Калтак ва хўрлашларга чидай олмаган хотини ниҳоят қўшниларинникига кўчиб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Ичкиликка берилган Казбек кўча-куйда ҳам безорилик қилиб, кишиларнинг дилини оғритди. Қизилсув қишлоғининг аҳолиси бетайин Азимбоевдан йиғиб олган пулни қайтаришни талаб қилди. Ана шунда у, хўжакўрсинга арзимаган пулни ободончиликка сарфлаган бўлди. Бу иш қишлоқ аҳолисини қаттиқ ранжитди.

Совет педагоги деган шарафли номга доғ туширгани келган Азимбоевнинг юқорида келтирилган ҳулқи-атвори мактаб директори Ўртоқ Рисметов, посёлка советининг раиси Ўртоқ Шокиров ва қоловерса мактаб ўқитувчилар коллективига яхши маълум эди. Лекин улар ўз ҳамкасбларига нисбатан қатъий талабчанлик қилмай, унинг жиноий хатти-ҳаракатларини ўз вақтида фош этишмади. Ваҳоланки, Азимбоевни педагоглар ўртага олиб уялтиришлари, совет кишисига хос бўлмаган бундай хатти-ҳаракатларни тарк этишга мажбур қилишлари керак эди.

Казбек Азимбоев коммунистик тарбия ўчоғи бўлган совет мактабида ишлашга лойиқ одам эмас. У, зўр ғайрат билан коммунистик жамият қураётган юксак фазилатли совет кишилари шаънига доғ туширади. Юқоридаги маълумотларга асосланиб, район прокуратураси Азимбоевни жиноий жавобгарликка тортди.

Яқинда Казбек Азимбоев ўз қилмишлари учун одил совет суди олдида жавоб беради. Район халқ суди уни икки йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

К. ЭГАМҚУЛОВ,
Бўстонлиқ район прокурори.

БИЛДИРИШ

Эртага 22 февраль кеч соат 7 да Ҳамид Олимжон номли Адабиётчилар уйида (1-май кўчаси 20-уй) Тошкент шаҳар ёш ёзувчиларининг семинари бўлади. Бунда ёзувчи Назир Сафаров ҳайтни ўрганиш ва бадиий маҳорат масалалари ҳақида суҳбат ўтказади.

Семинар қатнашчилари ва бошқа қизиққан ўртоқларнинг келишлари сўралади.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ёш ёзувчилар билан ишлаш комиссияси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Телевизор

21 ФЕВРАЛДА

Ўзбек тилида: 18.00 — «Ленин бизнинг мактабда» (телевизион фильм) 18.10 — КПССнинг янги Устави — партиянинг қудратли ташкилий қуролидир (телевизион лекторий). 18.30 — Далалардан дараклар (КПСС Марказий Комитети Пленуми шарафига).

Рус тилида: 19.00 — Табассумга бир миллион (М. Горький номли рус драма театрининг спектакли олиб кўрсатилади). Танаффус вақтида телевизион янгиликлар).

22 ФЕВРАЛДА

Рус тилида: 18.00 Мультпликацион фильм (кичкинтойлар учун), 18.15 — Концерт (ўқувчилар учун), 18.40 — «206-сайлов участкасида»... (телеочерк), 19.00 — Телевизион янгиликлар, 19.15 — Жаҳолат йўли номли кинофильм.

Ўзбек тилида: 19.45 — «Азия и Африка сегодня» журнали саҳифаларидан, 20.10 — Телевизион янгиликлар. 20.25 — Фарғона саноат корхоналарида (КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шарафига). 20.40 — Улар 19 ёшда эдилар номли бадиий фильм.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/II да **Маскарад.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА— 21/II да **Гамлет**, 22/II да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/II да **Паранжи сирлари**, 22/II да **Нурхон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Лўлилар аттракциони.** Лўлилар цирк труппасининг бадиий раҳбари — **Я. Д. Бреслер.** Тамошалар кеч соат 7 яримда бошланади.

Кино

Зигмунд Колосовский — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Уфқ — «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 4 ва кеч 10 да), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Мешинг севгим — «МИР» (кундуз соат 2, кеч 6 ва 8 да).

Тўққизинчи давра— «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Кўчма қалъа — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Сўнгги Альвин — эрталаб соат 9 ярим, кундуз 12 ярим, кеч 5 ва 8 да, **Тўртлар қалби** — (эрталаб 11, кундуз 2, кеч 6 ярим ва 10 да) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Бу бизнинг еримиз! — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1 ярим ва кеч 5 да).

ГРАЖДАН ҲАВО ФЛОТИНИНГ Ўзбекистон территориал бошқармасига

Ўзбекистон ССРнинг жойлардаги аэропортларида ишлаш учун ҳаракат службаси диспетчерлари ва авиатехниклар

керак

Учувчилик ва штурманлик маълумотига эга бўлган кишилар қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Гоголь кўчаси, 77-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786, Секретариат — 34808, 31936. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 25888. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 02072. Нашр. — Г. — 1533.